Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI • معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2012-yil 25-yanvar, chorshanba № 7 (8448)

Боқий фикр

Ватани борнинг бахти бор, Меҳнати борнинг — тахти.

Ўзбек халқ мақоли.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

П.Р.Бобожоновни Хоразм вилояти ҳокими вазифасини бажарувчиси этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига мувофиқ:

Пўлат Раззақович Бобожонов Хоразм вилояти ҳокими вазифасини бажарувчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2012 йил 24 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

О.Х.Оллаберганови Хоразм вилояти ҳокими лавозимидан озод этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига мувофиқ:

Оллаберган Хаитбоевич Оллаберганов Хоразм вилояти ҳокими лавозимидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2012 йил 24 январь

2012-yil — Mustahkam oila yili

ЁШ ПЕДАГОГЛАР ОИЛАСИ

Давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимизда оила институтини мустаҳкамлашга қаратилаётган алоҳида эътибор ҳар томонлама ибратли, соғлом турмуш тарзига асосланган, ўзаро ишонч, ҳурмат ва муҳаббатга қурилган оилалар сафини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда. Самарқанд шаҳрида яшовчи Дилшод Исмоиловнинг оиласи ана шундай мустаҳкам оилалардан.

Д.Исмоилов Самарқанд давлат университети тарих-фалсафа факультети магистратура босқичида таҳсил олиш билан бирга шаҳардаги 1-педагогика коллежида ишлайди. Турмуш ўртоғи Наргиза Исмоилова 1-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида инглиз тили ўқитувчиси.

Суратда: Дилшод Исмоилов оиласи Регистон майдонида.

Алишер ИСРОИЛОВ (ЎзА) олган сурат.

Yanvar — tarix va huquq fanlari oyligi

Шайхонтоҳур туманидаги 20-умумий ўрта таълим мактабининг тарих ва ҳуқуқ фанлари ўқитувчиси Матлуба Усмонова ўқувчиларининг пухта билимга эга бўлиши, фанларнинг ҳаётий аҳамиятини чуқур англаб етиши учун дарсларни мазмунли олиб боришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Муаллима ўқувчиларининг қизиқишларини яхши билади ва шунинг учун ҳам ҳар бир мавзуни бошқа фанлар билан боғлаган ҳолда ҳамда касбларга оид маълумотлар билан бойитишга ҳаракат қилади.

Январь — тарих ва ҳуқуқ фанлари ойлиги муносабати билан ташкил этилган очиқ дарсда ҳам муаллима 8-синф ўқувчиларига «Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи органи» мавзусини тушунтиришда қизиқарли видеолавҳалар, кўргазмали қуроллардан кенг фойдаланди.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

АСОСИЙ МУСОБАҚАЛАР ОЛДИНДА

Юртимизда мунтазам равишда ўтказилиб келинаётган "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг Навоийда кечадиган навбатдаги республика босқичи тобора яқинлашмоқда. Шу муносабат билан барча ҳудудларда мазкур спорт байрамига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Ўқувчиларнинг маҳорат ва тажрибаси дастлабки босқичларда ошиб бораяпти.

Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг буйруғи асосида "Умид ниҳоллари-2012" спорт мусобақаларининг 5—7-синф ўқувчилари ўртасида республика 3-босқичини юқори савияда ўтказиш бўйича режа ишлаб чиқилиб, туман, шаҳарларга юборилганди. Айни вақтда қорақалпоғистонлик 5—7-синф ўқувчилари орасидан республика жамоасига муносиблари сараланмоқда.

(Давоми 15-бетда.)

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

ДАСТЛАБКИ БИЛИМ, КЎНИКМА, МАЛАКА
уларни шакллантиришда бошланғич синф ўқитувчиси нималарга эътибор қаратиши зарур?
3-бет

БОЛАНГИЗНИНГ ДАРСИДА БЎЛГАНМИСИЗ?
7-бет

СОМОН МУЪЖИЗАСИ
9,16-бетлар

ҚУЁШ ЭНЕРГИЯСИ
экологик софлик, тадбиркорлик ва тежамкорлик омилидир
12-бет

ТАЪЛИМ УЧУН АҲАМИЯТИ МУҲИМ

Юртбошимиз Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" китоби халқ таълими тизимининг барча соҳаларида чуқур ва атрофлича ўрганилмоқда. Мактабгача таълим муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш республика Ўқув-методика марказининг ходимлари ва тингловчилари учун ҳам мазкур асар мазмунмоҳиятини ўрганиш бўйича ўқув курси ташкил этилди.

Ушбу ўқув курсида Халқ таълими вазирлиги мутахассислари ҳамда сиёсий шарҳловчи Қобилбек Каримбеков тингловчиларга зарурий тушунчаларни беришди. Савол-жавоб жараёни ва суҳбат тариқасида ўтказилган машғулотларда тингловчилар мазкур китоб ва ундаги маълумотларнинг долзарблиги юзасидан фикрлашдилар. Мавзуга оид видеолавҳалар ҳамда плакатлар орқали дарслар амалий ташкил этилди.

Тингловчилар дарс жараёнида юрт мустақиллигининг аҳамиятига доир ўзларининг шахсий фикрлар-мулоҳазаларини ҳам билдиришди. Курс тингловчиларининг педагог ходимлар ва боғча тарбиячилари ўртасида жойларда семинар, суҳбатлар уюштириши режалаштириб олинди. Китоб юзасидан билдирилган мулоҳаза, фикр ва уни ўрганиш юзасидан берилган тавсиялар тингловчиларнинг педагогик фаолиятида асқотади. Мактабгача таълим муассасалари ходимларининг сиёсий-ижтимоий билимларини бойитишда мазкур таълимий жараённинг аҳамияти катта бўлиши табиий.

Фароғат ҲОШИМХОНОВА, ММХҚТМОРЎММ услубчиси

Мамлакатимизда барча соҳаларда замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бу меҳнат бозорида мазкур соҳа мутахассисларига бўлган талабни тобора оширмоқда.

Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиалида 594 талаба ахборот технологиялари, телекоммуникация, ахборот сервиси ва касб таълими йўналишларида таҳсил олмоқда. Филиалда талабаларнинг замон талаблари асосида чуқур билим олиши учун барча шароит яратилган. Ўқув-лаборатория ва компьютер хоналари, масофадан ўқитиш ҳамда видео-конференция ўтказиш заллари ёшлар ихтиёрида. "Ёш дастурчилар", "Ёш WEB-дизайнерлар», «Ёш радиочилар» тўгараклари фаолият кўрсатмоқда.

Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎзА) олган суратлар.

ТАРИХ ВА ҲУҚУҚ САБОҚЛАРИ

Умумтаълим мактабларида ўтказиладиган фан ойликлари ўқувчиларнинг фанларга бўлган қизиқишларини ошириб, билимларини мустаҳкамлайди. Ўқитувчилардан дарс ўтишда янада масъулият билан ёндашиш талаб этилади. Январ — тарих ва ҳуқуқ фанлари ойлигининг дастлабки ўн кунлиги ўқувчиларнинг қишки таътил кунларига тўғри келгани боис, уни мазмунли ташкил этиш мақсадида мустақиллик йиллари қурилган иншоотлар, тарихий ёдгорликларга саёҳат уюштирилди. Янги чорак бошидан эса, ўқувчилар Ватанимиз тарихи, буюк алломаларимиз ҳаёти билан янада яқинроқ танишиб, ижодий дарслар иштирокчиси бўлаяптилар.

— Мактабимизда фан ойлигини ўтказиш бўйича режа ишлаб чиқилганди, —дейди Қарши шаҳридаги 26-мактабнинг тарих ва география фанлари методбирлашмаси раҳбари Зулхумор Саидова. — Унга мувофиқ, очиқ дарслар, турли тадбирлар ўтказилаяпти. Ўқувчиларнинг ижодий ишлари, улар чиқарган деворий газеталар кўргазмаси ташкил этилди. Мактабимиз «Тарих музейи» бурчагини янада бойитиш ишларида ўқитувчилар билан биргаликда ўқувчилар ҳам изланишдалар.

— Ёш ўқитувчи Нафиса Раҳмонова 7-синф ўқувчилари иштирокида «Сомонийлар даврида ижтимоий-иқтисодий ҳаёт» мавзуида очиқ дарс ўтди, — деди Қаршидаги 11-мактабнинг тарих ва ҳуқуқ фанлари ўқитувчиси Гулнора Сиддиқова. — Унинг дарс ўтиш услуби, ўқувчиларни мавзуга қизиқтира олганлиги ёш ўқитувчининг пухта тайёргарлиги ва ижодий изланишлари натижасидир.

Ўғил-қизлар тарбиясида ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва ёш авлодни қонунларимизга ҳурмат билан қарашга ўргатишда 11-мактабнинг 8-синф ўқувчилари иштирокида тайёрланган «Сиз ҳуқуқингизни биласизми?» тадбири ва ундаги саҳна кўринишлари муҳим аҳамият касб этди.

Фан ойлиги доирасида ўтказиладиган очиқ дарслар ўқитувчиларга бир синов ва тажриба алмашиш учун имконият бўлса, ўқувчиларнинг мавзуни яхши ўзлаштиришида самарали дарс соатларидир.

Моҳигул ҚОСИМОВА
Қашқадарё

МЕҲНАТГА МУНОСИБ РАҒБАТ

Андижон вилояти таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши раиси Эркинжон Каримов билан соҳада амалга оширилаётган ўзгаришлар тўғрисида суҳбатлашдик.

— Ташкилий ҳамда молиявий жиҳатдан кучли бўлган касаба уюшма ташкилотларини барпо этиш, шу асосда меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясини кучайтириш бугуннинг долзарб вазифаларидан биридир, — деди у. — Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг «Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги раёсат қароридан сўнг уюшмамизнинг I таъсис қурултойи ўтказилиб, таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси қўшилиш йўли билан сон ва моддий жиҳатдан салмоқли бўлган ягона касаба уюшмаси ташкил этилди. Бу эзгу мақсад ва ғоялар, истиқлол шарофати билан амалга оширилаётган ўзгаришлар моҳиятини одамлар онгига сингдириш орқали уларда мана шу дориломон кунларга шукроналик ҳиссини янада юксалтириш ва улуғвор вазифаларни бажаришда бир ёқадан бош чиқариб ишлаш, демакдир.

— Бевосита инсон манфаатлари, ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида вилоят тармоқ кенгашида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Ходимларда жамоат ташкилоти ҳақида фикр, тушунча айни қуйи бўғин фаолиятига қараб шакллана-ди. 1431та бошланғич ташкилот ва 166610 нафар аъзони бирлаштирган тармоқ кенгашимиз маданият ва спорт, халқ таълими ҳамда ўрта

Kasaba uyushmalari faoliyatidan

махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармалари билан ижтимоий шериклик асосида иш юритади. Айни вақтда вилоят миқёсида тузилган 2та, шаҳар, туманларда 17та ҳудудий тармоқ келишуви, таълим муассасалари, ташкилотларида тузилган 1431та жамоа шартномасида ходимлар ва талаба-ўқувчилар учун қатор имтиёзлар белгиланган. Жамоа шартномалари орқали жорий йилнинг 9 ойида ижтимоий ҳимояга муҳтож 1005 нафар ходимга иш берувчи ҳисобидан 5 млн. 700 минг сўм, касаба уюшма маблағидан 26 млн. 460 минг сўм моддий ёрдам берилди. Бошланғич касаба уюшмалари ишини ривожлантириш мақсадида касаба уюшма маблағлари ҳисобидан 54та таълим муассасасида 2 млн. 970 минг сўм сарфланиб, янги касаба уюшма бурчаклари ва аъзолик афзаллигини акс эттирувчи стендлар тайёрланди.

— Бугун касаба уюшма етакчиси ўз иши ва меҳнат муҳофазасига доир ҳуқуқларини билишдан ташқари одамлар қалбига йўл топиши зарур. Қолаверса, у иш берувчи билан ҳам маълум маънода «музокара» олиб бориши керак.

— Тўғри айтдингиз. Бошланғич ташкилот фаолиятини ташкил этиш касаба уюшма етакчиси зиммасида. Шуни эътиборга олиб, бошланғич касаба уюшма қўмитаси ва ташкилотчилари таркибини ёш, изланувчан, ташаббускор кадрлар билан бойитдик. Етакчиларимизнинг аксарияти ижтимоий бошқарув илмини эгаллаган.

Меҳнаткашларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларнинг турмуш тарзини янада юксалтириш, таълим муассасалари ва ташкилотларда касаба уюшмаларининг ролини ошириш касаба уюшма ташкилотлари фаолиятининг асосий йўналишларидан биридир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг иш режасига асосан жорий йилнинг апрель ойида «Чимён» дам олиш масканида Фарғона водийси таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган 54 нафар бошланғич касаба уюшма қўмитаси раисларининг бир ҳафталик ўқув-семинари ташкил этилди.

Бундан ташқари, режа асосида жойларга чиқиб, турли тизим масъул ходимларини жалб қилган ҳолда ўқув-семинарлар ўтказилмоқда. Касаба уюшма фаолиятига кўмак берувчи услубий қўлланмалар тайёрланиб, ташкилотларга етказилди.

О.СИДДИҚОВ суҳбатлашди.

Dolzarb mavzu

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижроси, энг аввало, ўқитувчидан юксак масъулият, чуқур билим ва доимий изланишни талаб этиши маълум. Илмий-педагогик ҳамда замонавий технологияларнинг юксак тараққиёти ўқитувчи-педагогларнинг олдига янгидан-янги вазифаларни қўймоқда. Ўқитувчилик касби ёш авлод, умуман, шахсни шакллантиришга хизмат қилади. У ўқувчиларни келгусида замон талаблари асосида ҳаёт кечиришга, жамиятдан ўз муносиб ўрнини топа олишига тайёрлаб бориши лозим. Бу мураккаб, ўз навбатида, шарафли вазифани бажаришда нафақат касбий билим, кўникма ва малакалар, балки авваламбор, ўқитувчининг ҳаётий ва ахлоқий қарашлари ҳам муҳим аҳамият касб этади.

ДАСТЛАБКИ БИЛИМ, КЎНИКМА, МАЛАКА

уларни шакллантиришда бошланғич синф ўқитувчиси нималарга эътибор қаратиши зарур?

Моҳиятан педагогика илми — «Метафаолият» ҳисобланади. Чунки у бошқа соҳалар, шахслар ривожланиши учун бошланғич пойдевор, муҳим қўлланмадир. Ўқитувчининг педагогик фаолияти ўқувчини рефлексив бошқаришида намоён бўлади. У ўз олдига ўқувчини ҳар томонлама ривожлантириш вазифасини қўяр экан, унинг имкониятлари кўзланган мақсадларга мувофиқлигини ҳисобга олиши катта аҳамиятга эга.

Бирор касбнинг ҳақиқий устаси бўлиш учун кишида туғма қобилият, маълум жисмоний ва руҳий тайёргарлик бўлиши муҳим. Педагоглик касбини танлаган кишидан, аввало, жисмоний ва маънавий соғломлик, нотиқлик маҳорати, мулоҳазакорлик ва доимий изланувчанлик талаб этилади. Шунингдек, ўқитувчида болаларни севиш, улар билан ишлашга мойиллик, хушмуомалалик, кузатувчанлик, кенг фикрлаш, ташкилотчилик, ўзига ва бошқаларга нисбатан талабчанлик каби шахсий сифатлар бўлиши ҳам жуда зарурдир.

Айниқса, бошланғич таълим ўқитувчилари зиммасидаги бу масъулият янада залворлидир. Чунки, баркамол инсонни тарбиялаш, унда миллий ва умуминсоний фазилатларни таркиб топтириш вазифаси энг олижаноб, шу билан бирга, мураккаб жараён бўлиб, булар айни бошланғич таълимда болалар қалби ва онгига сингдирилиши лозим. Ҳар бир бола такрорланмас хулқ-атвор, характерга эга. Болаларни тарбиялашда уларнинг ана шу ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш бирламчи аҳамият касб этади. Бу борада Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлис IX сессиясида сўзлаган «Баркамол авлод — Ўзбекисон тараққиётининг ушдевори» номли маърузасида қуйидаги фикрларни билдирган эди: «Эски таълим тизимининг энг ёмон қусури бошланғич таълимга иккинчи даражали иш деб қараётганимиздадир. Очиқ айтишимиз керак: билими саёз муаллимлар ҳам биринчи синфга дарс бераверади.

Бошланғич таълимга паст назар билан қарашимизнинг исботи шуки, собиқ СССРда бутун бошли педагогика техникумлари ва билим юртлари тизими ташкил этилиб, улар асосан 1–4-синф ўқувчиларини ўқитадиган муаллимлар тайёрлар эди.

Ваҳоланки, боланинг дунёқараши, диди, салоҳияти шаклланадиган бошланғич синфларга энг етук, энг тажрибали мураббийлар бириктириб қўйилишини оддий мантиқнинг ўзи талаб этади.

Замонавий бошланғич таълимнинг ўзи нимадан иборат бўлиши керак? Бола 1–4-синфларда қандай билимга эга бўлиши лозим? Уларнинг тарбияси қандай бўлиши керак? Шу масалаларга жавоб топишимиз лозим».

Мана шу даъват ёшлар камолини ўйлаган ҳар бир инсонни фикрлашга мажбур этди. Юртбошимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да ҳам бу жиҳатга алоҳида эътибор қаратилди. Бугун умумтаълим мактабларида фаолият юритаётган бошланғич таълим ўқитувчиларининг олий маълумотли мутахассис бўлишларига катта аҳамият қаратилаётганини алоҳида таъкидлашимиз лозим. Қолаверса, бошланғич таълим ўқитувчиларининг 1 ставкалик иш юкламаси бошқа фан ўқитувчиларникига нисбатан 2 соат кам этиб белгиланганлиги ва уларга тўланаётган иш ҳақи миқдори юқорилиги ҳам ушбу босқичдаги таълим-тарбия жараёнида ўзига хос мураккабликлар ҳисобга олинганидан далолат беради, албатта.

Бу эътибор ва улар олдига қўйилаётган вазифалар ўз навбатида, бошланғич таълим фани ўқитувчиларидан ўзига хос педагогик, психологик, дидактик билимларни, ҳаётий тажриба ва маҳоратни талаб этади.

Бошланғич синф ўқитувчиси биринчи навбатда умуминсоний ғоялар, қадриятлар ва эътиқодларга ҳурмат кўзи билан қараши ва уларга содиқ бўлиши зарур. Ундаги ватанга содиқлик, меҳнатсеварлик, ижтимоий бурчни чуқур англаш, мустаҳкам ирода, ҳаққонийлик, принципиаллик, янгиликларни сезиш ва уларни ҳаётга жорий этишда ташаббускорлик кўрсатиш сингари улуғвор хислат ва фазилатлар ўқувчилар маънавияти ва тафаккурига бевосита ижобий таъсир кўрсатади. Шунингдек, педагогда ахлоқий поклик ва ёш авлодга меҳрибонлик, талабчанлик, юксак маданий хулқ, нафосат, тил ва дил бирлиги, фан асосларини, жамият, табиат ва инсон тафаккури қонуниятларини чуқур билиш ва амалда қўллай олиш, ҳар соҳада ёш авлодга ўрнак кўрсата билиш каби жиҳатлар ҳам яққол кўзга ташланиб турмоғи лозим.

Ўқитувчи фаолиятида муҳим аҳамиятга эга бўлган билиш соҳасида ҳам бир қатор жиҳатларни алоҳида санаб ўтиш мумкин. Бу борада ўқитувчи касбномасида кенг илмий савия, юксак маънавият ва янгиликни ҳис қила билиш, педагогик маҳоратини, билимини узлуксиз ошириб боришга интилиш масалаларига кенг ўрин берилган.

Шу билан биргаликда, мазкур талаблар қаторига болалар ва ўсмирлар психологияси, уларнинг анатомик-физиологик ривожланишининг асосий қонуниятлари, ўқувчилар гигиеник тарбиясининг назарий, табиий-илмий асослари ва воситалари, болалар ривожланишининг психологик қонуниятлари ҳамда ҳар хил ёшда шахснинг индивидуал психологик хусусиятларини билишни ҳам киритиш мумкин.

Кўникма ва малакалар ҳосил қилиш соҳасида эса педагогик вазиятни таҳлил қилиш, педагогик таъсирларни режалаштириш ва натижаларини мўлжаллай олиш, ижтимоий-педагогик ҳодисаларнинг амалдаги ҳолатини, уларнинг пайдо бўлиш ва ривожланиш сабабларини, шарт-шароитларини таҳлил қила билиш ва баҳолаш сингари бир қатор жиҳатларни келтириш мумкин. Шунингдек, таълим ва тарбия жараёнида ўқувчиларда учраши мумкин бўлган қийинчиликлар ва хатоларни кўра билиш ҳам зарур. Бу борада бошланғич синф ўқитувчиси ўқувчиларнинг синфдаги ва синфдан ташқари фаолиятига режали раҳбарлик қилса, ўқув-тарбиявий ишларнинг назарий асосланган ташкилий шакллари, методлари ва воситаларини танлай олса ҳамда танланган педагогик таъсирларга ўқувчиларнинг жавоб ҳаракатларини олдиндан чамалай билишни уддалай олса, бу ўқитувчининг катта ютуғидир.

Ўқув-тарбия жараёнини режалаштириш ва амалга оширишда ўқувчиларнинг тарбияланганлик ва билим даражасини ҳисобга олган ҳолда ўқув материалини танлаш, уни анализ ва синтез қилиш, маълум дидактик вазифага мувофиқ ўқувчилар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда мураккаб матнларни ўзлаштириш, дарсни ижодий ва асосли ташкил эта олиш ҳам бошланғич таълимда муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кун ўқитувчиси болалар билан ишлашда тарбиявий мақсадга мувофиқ айрим ўқувчилар ва жамоа учун вазифалар белгилаш, қўйилган мақсад асосида уларнинг тушунчасини ўзгартира олиш, болаларга таъсир ўтказиш, ўқувчилар хулқи ва фаоллигини бошқаришда ўзига хос тажриба ва кўникмаларни ўзлаштира олиши зарур. Бу каби сифатлар қаторига боланинг ташқи кўриниши ва қиликларидан унинг руҳий ҳолатидаги ўзгаришларни аниқлаш сингари масалаларда ҳам назариётчи, ҳам амалиётчи сифатида иш тутиши, бу борадаги билим ва тажрибаларини мунтазам ошириб бориши лозимлигини ҳам киритиш мумкин.

Маҳоратли педагог маълум вазиятда болалар хулқининг хусусиятларини англаши ва изоҳлаши, шунингдек, ўзини хаёлан тарбияланувчи ўрнига қўйиб, ўқувчиларда ижтимоий қимматли истиқболларга қизиқиш уйғотиши ва доимий равишда уларни муайян касб-ҳунарга йўналтириб, жалб қилиб бориши керак.

Бугунги замон ўқитувчидан бола тарбиясига атрофлича ёндашишни, ёш авлоднинг тафаккури, дунёқараши, мантиқий мушоҳада юритиш қобилияти ҳамда маънавиятини ҳар тарафлама ривожлантиришни талаб этмоқда.

Бошланғич синф ўқитувчиларида педагогик билимларнинг бир қатор компонентлари алоҳида аҳамият касб этади. Хусусан, назарий билимлар асосида методологик рефлексия фаолиятини амалга ошириш малакаси ана шу зарурий компонентлардан биридир. Методологик рефлексия ўқитувчи томонидан эгалланган назарий билимларнинг ўз ички оламига ва психик ҳолатига чуқур сингиши натижасида вужудга келади.

Бошланғич таълим тизимида юқорида таъкидланган талабларга мос келадиган мутахассисларнинг фаолият юритишини таъминлаш шу даражада зарур экан, демак ушбу касбни танламоқчи бўлган ёшларнинг қизиқиши, қобилияти, руҳий-эмоционал жиҳатларини ҳам янада чуқур ўрганиш, тадқиқ қилиш навбатдаги долзарб вазифа сифатида юзага чиқади. Чунки, бошланғич синф ўқитувчисининг касб танлашида педагогик жараён, уларнинг ўқитувчилик меҳнатига мотивацион ва эмоционал муносабатини аниқлаш катта аҳамиятга эга. Педагогнинг профессионал компетентлилик характеристикаси педагогик фаолиятда алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, у бир нечта вазифани ўз ичига олади. Бу бошланғич синф ўқитувчисининг профессионал билимдонлик даражасини аниқлашга, психологик-педагогик билимларни эгаллашда ўқитувчининг илмий ёндашишига, профессионал рефлексия (инсон билимларининг ўз-ўзига, ўзининг ички оламига, психик сифатлари ва психик ҳолатларига сингдирилиши) ҳамда коррективи ҳаракатларга қобилиятлилигига яқиндан ёрдам беради. Ўйлаймизки, бу борада ҳам долзарб тадқиқот ва изланишлар олиб борилиб, тегишли амалий таклифлар ўртага ташланади.

Гулмира ТОЖИБОЕВА,
Низомий номидаги
Тошкент давлат педагогика
университети
тадқиқотчиси

Mohir bastakor, musiqachi va dirijyor sifatida jahonning ko'plab davlatlarida nom qozongan D.Koulman bir necha yillardan buyon o'zbekistonlik musiqachilar, ijodiy jamoalar bilan samarali hamkorlik qilib keladi.

Мирзо Улуғбек туманидаги 99-мактабда Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобини ўрганишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда тумандаги мактаблар директорларининг маънавий-маърифий масалалар бўйича ўринбосарлари, «Камолот» ЁИҲ етакчилари, фаол ўқувчилар иштирок этишди.

Тадбирда Президентимизнинг ушбу китобида мустақиллигимизнинг қўлга киритилиши тарихи билан боғлиқ муҳим воқеалар ҳақида ишончли маълумотлар жамланган, жумладан, истиқлолга эришиш жараёнида Юртбошимиз кўрсатган жасорат ва матонат акс этгани алоҳида таъкидланди.

Бундан ташқари, тадбир иштирокчилари мактабда ташкил этилган тўгараклар фаолияти билан яқиндан танишдилар.

— Мактабимизда рассомчилик, мусиқа, спорт тўгараклари фаолият юритмоқда, — дейди мактаб «Камолот» ЁИҲ етакчиси Зулайҳо Ғуломова. — Бу ерда ўқувчилар ўзлари қизиққан соҳалари бўйича машғулотлар олиб боришмоқда.

Тадбирда ўқувчилар томонидан ташкил этилган кўргазма иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

***

Ўзбекистон Давлат консерваториясида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамкорлигида симфоник мусиқа асарларидан иборат концерт дастури бўлиб ўтди.

Унда германиялик опера дирижёри Дэвид Коулман, В.Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи ўқувчиси Лайло Рихсиева ҳамда Ўзбекистон Миллий симфоник оркестри жамоаси ҳамкорлигидаги концерт дастури санъат ихлосмандлари эътиборига ҳавола этилди.

Моҳир бастакор, мусиқачи ва дирижёр сифатида жаҳоннинг кўплаб давлатларида ном қозонган Д.Коулман бир неча йиллардан буён ўзбекистонлик мусиқачилар, ижодий жамоалар билан самарали ҳамкорлик қилиб келади.

В.Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейининг 7-синф ўқувчиси Лайло Рихсиева 2008 йилда Францияда ўтган Николай Рубинштейн номидаги халқаро ёш пианиночилар танловида, 2009 йилда Италиядаги «Пьетро Арженто», Чехиядаги «Virtuozi» халқаро танловларида совринли ўринларни эгаллаган.

Кечада ўзбек ва жаҳон бастакорлари асарларидан намуналар янгради.

***

Бўстонлиқ туманида «Ўзбекистонда оила институтининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш: амалиёт ва қонунчилик» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ҳамда Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкиллаштирилди.

Депутатлар, тегишли ташкилот ва идоралар раҳбарлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари иштирок этган тадбирда «Ўзбекистонда оила институтининг ҳуқуқий асослари ва истиқболлари», «Никоҳ — муқаддас тушунча: қонунчилик ва амалиёт», «Мустаҳкам оилани шакллантиришда маҳалла институтининг ўрни ва роли» мавзуларида маърузалар тингланди ва атрофлича фикр алмашилди.

***

Уйчи туманидаги 7-умумтаълим мактабида Наманган ВХТБ ташаббуси билан «Маънавиятга таҳдид — ўзлигимиз ва келажагимизга таҳдид» мавзусида вилоят семинари ўтказилди.

Унда халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими маънавий-ахлоқий тарбия ишлари бўйича мутахассислари ва мактаб директорлари ўринбосарлари қатнашдилар.

Анжуманда ёшлар маънавиятига салбий таъсир этувчи ғоявий, моддий ва маънавий таҳдидларнинг олдини олиш масалалари муҳокама қилинди. Уйчи туманидаги умумтаълим мактабларида олиб борилаётган ишлар ва тажрибалар ўрганилди. Ўқувчилар ёзув дафтарларининг сифати ва уларнинг маънавиятга салбий таъсир этиш масалалари, ёш авлод, айниқса, вояга етмаганларнинг маънавий тарбиясига жиддий эътибор бериш хусусида сўз юритилди.

Тадбир иштирокчилари 9-синфларда «Ўзликни англаш—миллий ғурур», «Маънавиятимизга таҳдид — ўзлигимизга ва келажагимизга таҳдид» мавзуидаги очиқ дарсларни кузатдилар, «Ёш информатиклар» тўгараги аъзоларининг машғулотларини ва 6-синфда ташкил этилган «Миллий истиқлол маънавияти» соатида қатнашиб, «Баркамол авлод орзуси» деб номланган дастурни томоша қилдилар.

ЎзА ва махсус мухбирларимиз йўллаган материаллар асосида тайёрланди.

ИЖОДКОРЛАР — «МЕҲРИБОНЛИК УЙИ»ДА

Uchrashuv

Наманган вилояти тарбияланувчилар қалбига қувонч улашиш мақсадида халқ таълими бошқармаси, «Камолот» ЁИҲ, «Мураббий» газеталари ташаббуси билан Наманган шаҳридаги 26-сонли «Меҳрибонлик уйи»да уюштирилган тадбирда вилоятдаги таниқли шоир, ёзувчилар ўз ижод намуналари ҳаётий хулосалари билан ўртоқлашишди. Болажонлар ҳам саҳна кўринишлари орқали ўз иқтидорларини намойиш қилдилар. Наманганлик ижодкорлар тарбияланувчиларга ўз китобларидан совға қилишди.

Тадбир сўнгида Меҳрибонлик уйи директори Ҳошимжон Солиев кўрсатилган эътибор ва ғамхўрлик учун ташкилотчиларга миннатдорлик изҳор этди.

Шоҳиста АБДУРАҲМОНОВА,
ўқитувчи

ВАТАН ПОСБОНЛАРИ — ТИНЧЛИГИМИЗ ТАЯНЧИ

Ўзбекистон тарихи давлат музейи мажлислар залида Тошкент ҳарбий телекоммуникация йўналишидаги академик лицей ва Ўзбекистон тарихи давлат музейи ҳамкорлигида Қуролли Кучларимизнинг 20 йиллигига бағишланган "Ватан посбонлари" деб номланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Фанлар академияси, Ёзувчилар уюшмаси, Мудофаа вазирлиги вакиллари, Глиэр номидаги республика мусиқа академик лицейи ўқувчи ва ўқитувчилари иштирок этди.

— Факультетимиз 1993 йил 12 февралда ташкил топган. Ушбу мутахассислик бўйича етти йўналишдаги алоқачи-офицер ўқитилади. Замон талабларига жавоб берадиган компьютер тизими ўрнатилган ўқув хоналарига эгамиз, — дейди ТАТУ махсус факультет курсанти Муҳаммадали Раззоқов. — Вазифамиз берилаётган илмни пухта эгаллаб, Ватанимизга муносиб фарзанд бўлиш, унга хизмат қилишдир.

Тадбирнинг бадиий қисмида Ватан ўғлонларига бағишланган шеърлар, таниқли хонандаларимизнинг дилтортар наволари даврадагиларни хушнуд этди.

Гўзал МАЛИКОВА,
ЎзДЖТУ талабаси

КИТОБ — МУНОСИБ СОВҒА

Тошкент шаҳридаги имкониятлари чекланган болалар учун ихтисослаштирилган республика касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтган тадбирда Ватан ҳимоясига ўз хизматлари билан муносиб ҳисса қўшган истеъфодаги подполковник Н.Гулбоев иштирок этди. У Ватан ҳимояси муқаддас бурч эканлиги, айни кунда Қуролли Кучлар тизимида ҳам бир қатор ислоҳотлар ўтказилаётганлиги, миллий армиямиз сафларида хизмат қилаётган мард ва жасур ўғлонлар фаолияти ҳақида гапирди.

Н.Гулбоев "Ахборот-ресурс маркази" фаолияти ҳақида сўзлаб, бундай марказни доимо янги-янги маълумотлар билан тўлдириб боришнинг долзарблиги хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. У Ўзбекистон Мудофаа вазирлигининг Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида оддий ўқитувчиликдан кафедра мудиригача бўлган ҳарбий хизмати вақтида курсантлар учун яратган ўзининг 5та ўқув қўлланмасини коллеж ўқувчиларига совға қилди.

Дилором САЪДУЛЛАЕВА,
Нодира ТЎЛАГАНОВА,
шу коллеж ўқитувчилари

ИМКОНИЯТ ВА НАТИЖА

Миллий армиямизни юксак профессионал тайёргарликка эга, интеллектуал савияси юксак, дунёқараши кенг малакали ҳарбий кадрлар билан таъминлаш юртимизда фаолият юритаётган барча ҳарбий билим юртлари олдига қўйилган улкан вазифалардандир. Жумладан, Ички ишлар вазирлиги тасарруфидаги Тошкент олий ҳарбий техника билим юртида ҳам бу борада кенг қамровли изланишлар олиб борилмоқда. Таълим тизими такомиллаштирилиб, бўлғуси офицерларни тайёрлаш ва тарбиялаш ҳозирги замон талабларига тўла мос келадиган, принципиал жиҳатдан мутлақо янги бўлган ўқув-техник ва маънавий-ахлоқий асосда йўлга қўйилаётир.

Faxr

Ўқув даргоҳида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, моделлаштириш услубларига асосланган замонавий техник таълим воситалари ва жанговар вазиятларга имкон қадар тўла мослашишни таъминлайдиган полигон ускуналари билан жиҳозланмоқда. Шунингдек, ахборот-ресурс маркази материаллари курсантларнинг ҳарбий маҳорат сирларини ўрганиши ва чуқур ўзлаштиришида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Курсантларнинг билимлари юксалишида кафедра ўқитувчиларининг ўрни алоҳида. Шу маънода жамоада хизмат қилаётган устоз-мураббийлар республика олий ўқув юртлари билан таълимнинг янги принципиал услубларини, замонавий педагогик ва ахборот технологияларини кенг жорий қилиш, ёшларни миллий ғоя, умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, улар онгида Ватанга муҳаббат, садоқат туйғуларини шакллантириш мақсадида таълим ва тарбия соҳасида мунтазам равишда тажриба алмашишмоқда. Чунончи, Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Олий педагогика институтида, Тошкент давлат педагогика университети қошидаги малака ошириш марказида ва Тошкент давлат техника университетида билим юрти профессор-ўқитувчилари ўз малакаларини оширганликлари ўз натижаларини бераётир. Қисқаси, курсантларимиз дунёқараши кенг, юксак салоҳиятли, Ватан посбонлари бўлиб вояга етаётир.

Шухрат ҲОТАМОВ,
Тошкент олий ҳарбий техника билим юрти тарбиявий ишлар кафедраси бошлиғи

ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК БЕИЗ КЕТМАЙДИ

Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолиги ва бевосита ташаббуси билан мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси бугун нафақат ўзимизда, балки жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам тан олиниб, эътироф этилмоқда. Бу борада, айниқса, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ғунчалари сифатида қад ростлаб, фойдаланишга топширилган, топширилаётган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари фахру ғуруримизга айланиб улгурди. Бундай ўқув масканлари бугун фарзандларимизнинг икки-учта мутахассислик бўйича касб-ҳунар ўрганиб, мустақил ҳаётга дадил кириб боришига хизмат қилаётгани билан ҳам аҳамиятлидир.

— Ёш авлодни баркамол этиб тарбиялаш, таълим тизимига эътибор қаратиш мустақилликнинг илк йиллариданоқ давлатимиз сиёсати даражасига кўтарилди, — дейди Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Зиёдулла Санаев. — Президентимизнинг бундай ғамхўрлигини теран англаш, ўғил-қизлар қалбида она-Ватанга садоқат туйғуларини шакллантиришда ўқитувчининг ўрни беқиёс. Мен кўп йиллардан бери ўқитувчилик қиламан. Лекин ҳеч қачон ўқитувчи-мураббийларнинг бу қадар эъзозланганига гувоҳ бўлмаганман. Тинч ва осойишта юртда яшаб, бундай юксак эътибордан баҳраманд бўлаётганимиз учун ҳар қанча шукрона айтсак кам. Мустақиллик иншоотлари — янги замонавий мактаб бинолари, коллеж-лицейларга қараб туриб, гапнинг очиғи, қувончдан бошимиз кўкка етади. Беихтиёр, ўзимнинг болалик даврим ва бугунги авлодга яратиб берилган шарт-шароитни таққослаб, мўъжиза-ку, булар, дейман ўзимга ўзим. Бахтимни қарангки, истиқлолнинг 19 йиллик шодиёналари арафасида мен ҳам Юртбошимизнинг фармонига кўра, "Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси" деган фахрий унвонга мушарраф бўлдим. Бундай беқиёс эъзоз ғайратимга ғайрат, кучимга куч қўшди. Ёш авлодни комил инсон, эл-юрт корига ярайдиган мутахассислар этиб тарбиялаш биз, ўқитувчи ва мураббийлар учун олий мақсаддир.

Чорак асрдан зиёд умрини шу соҳага бағишлаган ўқитувчининг қалбидан кечган сўзларни бежиз келтирмадик. Зеро, фарзандининг тарбияси учун ота-она қанчалик қайғурса, бу вазифа ўқитувчи-мураббийларимизни ҳам шунчалик ташвишлантиради. Шу боис истиқлол йилларида Президентимизнинг юксак эътибори туфайли ўқитувчилик касби қадр топди, шарафланди. Устоз-мураббийларни эъзозлаш тимсолида таълим тизимини ислоҳ қилишга беқиёс эътибор билан қаралаётгани бежиз эмас. Ёшлар — Ватан келажаги, улар бизнинг умид ва ишончимиз.

Давлатимиз раҳбари Конституциямиз қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган маърузасида бу ҳақда шундай дедилар: "...биз юртимизнинг эртанги ривожи йўлида қандай чуқур ўйланган дастурларни тузмайлик, бу режаларни бажариш учун қандай моддий база ва имкониятларни яратмайлик, бунинг учун қанча кўп сармоя сафарбар этмайлик, уларнинг барчасини амалга оширадиган, рўёбга чиқарадиган қудратли бир омил борки, у ҳам бўлса, юқори малакали ишчи кучи ва юртимизнинг эртанги куни, тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган етук мутахассис ёшларимиз, десак, ўйлайманки, ҳеч қандай хато бўлмайди".

Дарҳақиқат, ёшлар етук кадрлар бўлиб етишсагина, Ватан тараққиёти таъминланади. Таълим-тарбияга эътибор ана шундай муҳим зарурат ва эҳтиёждир.

Юртимиз аҳолисининг 45 фоиздан ортиғини 18 ёшга тўлмаган ўсмирлар ва болалар ташкил этади. Шунинг учун ҳам Президентимизнинг бевосита раҳнамолигида ишлаб чиқилиб амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни мамлакатимизда таълимни ривожлантириш стратегиясини белгилаб берди.

Ушбу рақамларга эътибор беринг: 2004—2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури доирасида жами 8501та умумтаълим мактабида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди, жумладан, 351та янги мактаб биноси барпо этилди. 2470та мактаб капитал реконструкция қилинди, 3608таси капитал, 2072та мактаб эса жорий таъмирланди. Бу ишларга Мактаб таълими жамғармаси ҳисобидан жами 1,4 трлн.сўм маблағ сарфланди. Эътиборлиси шундаки, фойдаланишга топширилган 8501та таълим муассасасидан 6888таси (81 фоиз) қишлоқларда, 287таси (3 фоиз) бориш қийин бўлган тоғли ҳудудларда, қолган 1326 таси (16 фоиз) эса шаҳарларда барпо этилди.

Бу рақамларни келтиришимиз бежиз эмас. Гап шундаки, бугуни шиддат билан ўзгараётган замонда ҳар бир давлатда ҳам ёшларга, уларнинг билим олиши ва келажагига бўлган муносабат ижобий эмас. Қай бир мамлакатда ишсизлик авж олиб, бошқа бирида тинчлик деган улуғ неъматга завол етмоқда. Табиийки, бундай танг вазиятда аҳоли фарзандининг келажаги ҳақида эмас, аввало, уйида тинч ётиб-туришни ўйлайди. Доно халқимизда: "Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил" деган нақл бор. Айрим мамлакатларда рўй бераётган бу каби турли-туман воқеалар эса бизни шукроналик билан яшашга ундайди.

Юртимиз мустақилликни қўлга киритганига 20 йил бўлди. Ҳаётимиздаги ижобий ўзгаришлар, кун сайин кўзимизни қувонтираётган ён-атрофдаги янгиланишлар ҳақида ҳаммамиз фахрланиб гапиришни яхши кўрамиз. Айниқса, буюк келажак қуришда фарзандларимизга кўрсатилаётган юксак эътибор ҳар бир ўзбекистонликни ғурурлантирмоқда. Бунинг боиси бор. Фарзандлари камолини юртнинг ёрқин келажагидан айрича тасаввур қилолмайдиган кишидагина мана шундай ғурур, ифтихор бўлади.

Кўз олдимиздан кетгани йўқ: илгари чекка қишлоқларимизда мактаб деса кўримсиз ва қаровсиз, полсиз бинолар бўларди. Айрим тоғли қишлоқларимизда истиқлол арафасида ҳам болалар ерда ўтириб, сабоқ олишган. Энди эса манзара ҳам, тасаввур ҳам тамоман ўзгача: фарзандларимиз энг кўркам ва замонавий услубдаги биноларда, ёруғ ва шинам синфхоналарда ўқияптилар. Компьютер синфлари, ўқув-лаборатория хоналари ва спорт заллари энг замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Шаҳар ва қишлоқ таълим муассасалари ўртасида ҳеч қандай тафовут қолмади.

Давлатимиз раҳбари 2012 йилда давлат бюджетининг 60 фоиздан кўпроғи мамлакатимизда таълим-тарбия ва соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилишини таъкидлаган эдилар. Бундай эътибор ва ғамхўрлик бошқа давлатларда кузатилмаганлигини тан олиш жоиз. Ўз тараққиёт йўлига эга, инсон манфаатлари устувор саналган мамлакатимизда эса эзгуликка йўғрилган ислоҳотларнинг ҳаётий ифодасини кўрмаслик, сезмаслик, ҳис қилмаслик мумкин эмас. Зотан, истиқлол деб аталмиш муборак неъматдан, куч олиб камол топаётган йигит-қизлар келажагимизнинг муносиб эгалари бўлиб етишадилар. Уларнинг баркамол бўлиб улғаймоғи учун кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик, албатта, беиз кетмайди.

Умида СОБИРОВА,
Яккасарой енгил саноат касб-ҳунар коллежи тарих фани ўқитувчиси

МУАММО

у ҳамжиҳатликда ҳал этилади

Бугун диёримизнинг қайси манзилида бўлманг, қишлоғу шаҳарларимизнинг кўрки бўлган, замонавий лойиҳалар асосида қад ростлаган мактабларга кўзингиз тушади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009–2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори эса Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг ҳам мутлақо ўзгача қиёфа касб этиши, жиҳозланиши сингари эзгу ишларга бош бўлди. Хўш, Давлат дастури бандларида кўрсатилган дастлабки, яъни «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш», «Болалар мусиқа ва санъат мактабларини замонавий дарсликлар, ўқув-методик қўлланмалар ва материаллар билан таъминлаш»дек муҳим вазифалар адо этиляпти, лекин мазкур даргоҳларда таълим мазмунига эътибор қаратиш масаласи қай даражада? Мусиқа чолғулари, мебель ва ускуналардан унумли фойдаланилаяптими? Уларни сақлаш ва созлаш масалаларига қай даражада эътибор қаратилаяпти?

Ўзбекистон давлат консерваториясида Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларининг мутасаддилари, етакчи мутахассислар, вилоятлардаги Болалар мусиқа ва санъат мактаблари директорлар кенгашларининг раислари иштирокида бўлиб ўтган илмий-амалий конференциянинг кун тартибидаги асосий масала Давлат дастурининг учинчи бандидан ўрин олган «Болалар мусиқа ва санъат мактабларини малакали мутахассислар билан таъминлаш муаммолари» мавзусига қаратилди.

— 2009-2011 йиллар давомида республикамиздаги 117та Болалар мусиқа ва санъат мактабида янги қурилиш, капитал реконструкция ишлари амалга оширилиб, улар аввалдан мавжуд бўлган жиҳозларга қўшимча равишда мусиқа чолғулари, мебель ва ускуналар билан таъминланди. Давлат дастури қабул қилингунга қадар, яъни 2008 йилда мазкур типдаги муассасаларга 36939 нафар ўғил-қизларимиз жалб этилган бўлса, 2011 йили бу кўрсаткич 46 322 нафарни ташкил этди, — деди ўз сўзида Халқ таълими вазирининг ўринбосари А. Холбеков. — Болалар мусиқа ва санъат мактабларида соғлом ижодий муҳит барқарорми? Кадрларнинг салоҳият даражаси қандай? Бугун эса биз ана шулар хусусида жиддий бош қотиришимиз керак.

Дарҳақиқат, кейинги бир йил ичида Болалар мусиқа ва санъат мактабларида меҳнат қилаётган ўқитувчи-мураббийлар сони 6863 нафардан 7630 нафарга ортди. Табиийки бу ўсиш кадрларга бўлган талабни қондира олмайди. Яъни мактабларда янги очилган санъат йўналиши бўйича сабоқ берувчи етти юздан ортиқ мутахассислар етишмаслиги, бу эса биргина рақс

Konferensiya

санъати синфларига 210 нафар мутахассисга зарурат сезилаётганини кўрсатади. Сўнгги икки йилда тасвирий ва амалий санъат йўналишларида машғулотларга қатнаётган ўқувчиларнинг сони кескин ортганлиги ҳам ўқитувчи кадрларга бўлган талаб масаласи ҳал қилинишини кун тартибига қўяётир.

Халқ таълими вазирлиги Мусиқа ва санъат таълим муассасалари бошқармаси бошлиғи И.Турсунбоев шундай дейди: — Давлат дастурида белгиланган 278 та мусиқа ва санъат мактабида жиҳозлаш жараёни якунланганда, мазкур муассасалардаги пианинолар сони 9 мингтани ташкил этади. Белгиланган меъёрларга кўра, 16та пианинога бир нафар созловчи жалб этилиши кўзда тутилган. Бу рақам 600 нафар созловчига эҳтиёж сезилаётганини кўрсатади. Айни пайтда мактабларимизда 92 нафар созловчи фаолият юритаётган бўлса, уларнинг аксарияти уста-шогирд сифатида ҳунар ўрганганлар. Айрим вилоятларда бундай мутахассислар умуман йўқ...

— Бундай муаммони ҳал этиш учун санъат коллежларининг махсус фортепьяно, торли чолғулар, дамли ва зарбли чолғулар, овоз оператори мутахассисликлари ўқув режаларига «Чолғуларни созлаш ва таъмирлаш» фанини киритиш зарур,— деди маърузаси давомида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Таълим муассасалари бошқармаси бош мутахассиси Б. Матёқубов.

Ойбуви ОЧИЛОВА

ҚИЗИҚАРЛИ ВА УНУТИЛМАС МАШҒУЛОТ

Dars — muqaddas

Фарғона вилоятининг Қўштепа туманидаги 11-мактабда Халқ таълими вазирлигининг «Дарс — муқаддас» тавсияси бўйича семинар ташкил этилди. Дастлаб мактабнинг бошланғич синф ўқитувчилари Г.Сулаймонованинг — математика, Ҳ.Тошхўжаеванинг — ўқиш, О.Юсупованинг — она тили дарслари кузатилиб, таҳлил қилинди.

Қуйида дарсларни таҳлил қилиш жараёнидаги ўқитувчиларнинг баъзи фикрларини эътиборингизга ҳавола этамиз:

Шунингдек, Риштон туманидаги 49-умумий ўрта таълим мактабида ҳам она тили ва адабиёти фани ўқитувчиларининг «Дарс — муқаддас» мавзусига бағишланган ўқув-семинари бўлиб ўтди. Семинар иштирокчилари мактабдаги 5—9-синфларда она тили, адабиёт, миллий ғоя туркумидаги ўқув фанлари бўйича дарсларни кузатдилар.

Айниқса 9-синфда ўтилган адабиёт дарсида филолог олимлар билан бўлган учрашув ўқувчию кузатувчилар учун унутилмас машғулотга айланди. Шу куни мактабга собиқ ўқувчи, филология фанлари доктори Йўлдош Солижонов ҳамда шоир ва профессор Сиддиқ Мўминов ташриф буюрди. Ўқувчилар билан кечган бевосита юзма-юз мулоқотда Йўлдош Солижонов ўқувчилик йиллари билан боғлиқ хотираларни, устозларининг берган ўгитларини эсга олди. У ўқувчиларга инсон ҳаётидаги илмнинг беқиёс ўрни ва аҳамиятини ҳаётий мисоллар асосида тушунтириб берди. Олим шу синфда ўқувчиларга Фурқатнинг ҳаёти ва ижоди бўйича сабоқ берди, шоирнинг ижодига доир янги тадқиқотлар хусусида ҳам фикр юритди. Олим ва шоир Сиддиқ Мўмин эса мактабнинг ўтмиши, шу даргоҳни битириб, бугун республикада фаолият юритаётган олим ва ижодкорлар ҳақида ҳикоя қилиб берди.

Семинар якунида илғор ўқитувчиларга туман ХТМФМТТЭБнинг фахрий ёрлиқлари ва мактаб жамоасига ўқув-тарбия ишларини ташкил этишдаги фаолликлари учун компьютер жамламаси совға қилинди.

Баҳодиржон ШОКИРОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Ш.Акбарова, тумандаги 5-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси:

— Бугунги кун ўқитувчисидан сифатли дарс ўтиш учун аввало, дарсга пухта тайёргарлик кўриши, дарснинг мақсадини ва ундан кўзланган натижани пухта билиши, режа ва дастурга амал қилиши, ДТС талабларини чуқур ўзлаштириб олган бўлиши, дарс қисмларига вақтни тўғри тақсимлаши ва янги мавзуни аниқ, лўнда баён этиши талаб этилмоқда. Мен кузатган Гулшаной Сулаймонованинг математика дарси ана шу талабларга жавоб бўлди, деб ҳисоблайман. Ўқитувчи дарсда ўз мақсадига эришди. Бу кўплаб ёш ўқитувчиларга методик ёрдам бўлгани билан ҳам аҳамиятли бўлди.

Семинар иши давомида дарс сифат ва самарадорлигини ошириш, бу борада ўқитувчилар олдида турган муҳим вазифалар нималардан иборат эканлиги, кузатилган дарсларда йўл қўйилган камчиликлар, илмий-услубий хатоларни қай йўсинда бартараф этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада зарур кўрсатмалар берилди.

БУЮК ТАРИХИМИЗ БИЛАН ФАХРЛАНАМИЗ

Yanvar — tarix va huquq fanlari oyligi

Ўқувчилар билимини оширишда қўшимча адабиётларнинг ўрни муҳим. Мен ҳам илмий оммабоп адабиётлар, газета ва журналлар асосида тарих дарсларида мавзуга мос маълумотларни ўқувчилар эътиборига ҳавола этаман. «Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар» («Археологические исследование в Узбекистане») журнали ҳам бу борада бой маълумотларга эга.

Собиқ иттифоқ йилларида тарихимизни ўрганишга нисбатан бир томонлама ёндашув оқибатида халқимизнинг бой маданий ва маънавий меросини атрофлича ўрганиш ва оммалаштиришда бир қатор тўсиқлар мавжуд эди.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистонда маданий ҳамда иқтисодий соҳаларда, жумладан, илмфан соҳасида ҳам халқаро ҳамкорлик алоқалари тобора кенгайиб бормоқда. Жумладан, АҚШ, Япония, Франция, Германия каби хориж мамлакатлари археологларининг бой тарихий меросимизга бўлган қизиқиши ва уни ўрганишга бўлган интилишлари асосида хорижлик ва ўзбек археологлари ҳамкорлигида 10дан ортиқ археологик экспедициялар илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ўзбекистонимизнинг қадим тарихи, халқимизнинг дунё цивилизациясига қўшган буюк ҳиссаси, илдизи чуқур маданиятимиздан дарак берувчи бу маълумотларни ўқувчилар онгига сингдириб бориш тарих ўқитувчилари зиммасидаги масъулиятдир.

Мисол учун, мамлакатимизнинг турли қадимги Сўғд ҳудудларида, Сурхондарё ҳудудида олиб борилаётган тадқиқотлар қадимги давлатчилик анъаналарининг шаклланиши, Бақтрия ҳудудининг тарихий топографияси бўйича янгидан-янги тарихий кашфиётларга асос бўлди.

Бронза ва тош даврлари бўйича Бухоро, Навоий вилоятлари ҳудудларидан топилган тарихий манбалар мамлакатимиз дунё тамаддуни ва маданий ҳаётнинг бугунги натижага эришишида бешик бўлиб хизмат қилганини далиллади.

Австралиянинг Сидней университети билан қорақалпоқ археологлари ҳамкорлигида Ташқирмонтепадаги стратиграфик кузатувлар асосида давлатлаштириш масалаларида илмий янгиликлар ўртага ташланаётганлиги ўқувчиларимда ҳам катта қизиқиш уйғотди.

Дарҳақиқат, Ғарб ва Шарқни бевосита боғлаб турган бу юртнинг ўзига хос бой анъаналари, табиий ресурслари, қадимги аҳолининг яшаш тарзи, қадимги уй қурилиш услуби, хўжалиги, урф-одатлари ҳамда маданияти буюк тарихимиздан далолат беради. Шунингдек, Ўзбекистон ҳудудида тадқиқот ишларини олиб бораётган археологик экспедициялар ўзларининг самарали меҳнатлари туфайли қадимги Термизда жойлашган Қоратепа ва Самарқанддан 30 километр шимолда жойлашган Кўктепа ёдгорлигидан топилган жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган топилмалари билан Ватанимиз тарихини бойитишга улкан ҳисса қўшдилар. Тадқиқот ишлари фақатгина қазувқидирув ишлари билан чекланиб қолмасдан, бир қатор Европа мамлакатлари, АҚШ ҳамда Японияда уюштирилган илмий анжуманларда ҳам Ўзбекистоннинг бой тарихи, археология соҳасида эришилаётган ютуқлар ҳақли равишда эътироф этилмоқда. Бу каби маълумотлар ўқувчиларга нафақат янги билимлар беришга, балки уларда миллий ғурур туйғусининг шаклланишига ҳам хизмат қилади.

Зебинисо ҒАФФОРОВА,
Олмазор туманидаги 219-мактабнинг тарих, давлат ва ҳуқуқ асослари фанлари ўқитувчиси

Биология фанидан машғулотларни олиб боришда ўқув-лаборатория жиҳозлари — микроскоп, қушларнинг макети ҳамда кўргазмали қуроллар билан бирга ҳар бир ўқувчи билан индивидуал тарзда ишлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Кўп йиллик тажрибага эга ўқитувчи Гўзал Алиева дарсларга шу мақсаддан келиб чиқиб ёндашади.

Ғузор туманидаги 20-мактабда бир неча йиллардан бери ушбу фандан ёш авлодга сабоқ бериб келаётган муаллима ҳар бир мавзуга янгилик олиб кириши билан ўқувчилар эътиборига сазовор бўлган. Машғулотни янгилик билан таъминлаш учун эса, ўқитувчи дарслик билан чекланиб қолмай, аксинча, тинимсиз изланиб, қўшимча манбалардан, матбуот материалларидан ҳам унумли фойдаланади.

— Қирқ беш дақиқалик дарс ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги муносабатни белгиловчи мезон. Шу сабаб ҳар бир ўқувчи билан индивидуал тарзда иш олиб боришга ҳаракат қиламан,—дейди Г.Алиева. — Машғулотни жонли ва мазмунли ташкил этиш орқали ўқувчиларнинг ушбу фанга бўлган қизиқишларини ошириб боришга эришмоқдаман.

А.ПАРДАЕВ олган сурат.

3 ЙЎНАЛИШДА 30 ТЎГАРАК

улар фаолияти мониторинги олиб борилмоқда

Қобилиятли, изланувчан ҳамда ижодкорликка иштиёқи бор фарзандларимизнинг ёшлигидан ўз қизиққан йўналишида чуқурлаштирилган сабоқ олиши келажакда, албатта, ўз меваси-ни беради. Ёшларнинг касб-ҳунар ўрганиши, бўш вақтларини мазмунли ташкил этишида «Баркамол авлод» болалар марказларининг ўрни беқиёсдир.

Болажонларга санъат ва ҳунар сирларини ўргатиш ишлари янада жадаллашиб, ўқитувчи-мураббийларнинг малака ва тажрибасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Ўсиб келаётган авлоднинг ижодий қобилиятини аниқлаш, уларга меҳнатсеварликни сингдириш, касб-ҳунар ўргатиш — давр талаби. Марказимизда асосан учта йўналишдаги тўгарак мавжуд, — дейди муассаса директори Гулшода Бобожонова. — Булар техник ижодкорлик, бадиий ижодиёт ҳамда ўлкашунослик ва экология йўналишлари бўлиб, ўз навбатида улар ҳам ўнта соҳани қамраб олган. Бошланғич техник моделлаштириш ва конструкциялаш, техник воситалар ва компьютер технологиялари, халқ амалий санъати, бадиий нафосат ҳамда ўлкашунослик ва сайёҳлик каби соҳаларда 30га яқин тўгарак фаолияти йўлга қўйилган. Бундан ташқари, марказда олти ёшдаги болажонларни мактабга тайёрлаш гуруҳи ҳам ташкил этилди.

Ҳозирги кунда Самарқанд вилоят «Барқамол авлод» болалар марказидаги мавжуд 12 гуруҳда 238 нафар болажон ўз қизиқиш ва иқтидорига кўра танлаган тўгаракларда бошланғич сабоқни олишмоқда.

Jarayon

Умумий ҳисобда 1150 нафардан ортиқ ўқувчи жалб этилган. Янги йилдан бошлаб эса марказда «Ёш журналист ва нотиқ», «Моҳир қўллар», «Мунчоқли безак» тўгараклари ўз фаолиятини бошлади.

Таълим сифатини ошириш, ўқитувчилар ўртасида амалий ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда уларга фаол педагогик ёрдам кўрсатиш мақсадида марказ қошида «Устоз-шогирд мактаби» ташкил этилган. Марказда фаолияти йўлга қўйилган тўгарак хоналарини намунали жиҳозлаш мақсадида «Энг намунали тўгарак хонаси» танлови ўтказилди. Ушбу танловда марказнинг асосий уч йўналиши бўйича энг намунали тўгарак хоналари танлаб олинди. Жумладан, танловда «Ёш рассом» тўгараги биринчи ўринга лойиқ деб топилган бўлса, «Авиамодел» ҳамда «Гулчилик» тўгараклари 2- ва 3-ўринларни эгаллашди. Ўтган йили ўқувчи-ёшлар ўртасида ўтказилган ҳамда «Ракетамоделлаштириш» ҳамда «Умид ниҳоллари» вилоят очиқ чемпионатида ҳам ғолиблар аниқланди. Марказнинг техник ижодкорлик йўналиши «Авиамодель» тўгараги аъзолари Ш.Вафохўжаева ҳамда А.Шарипов ўз ихтиролари билан ғолиб деб топилдилар.

Ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтини сермазмун ва самарали ўтказишга йўналтирилган марказда доимий равишда тўгарак аъзоларининг дарсларни ўзлаштириш даражаси мониторинги олиб борилади.

Марказда илғор педагогик услублар, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш, ўқитишнинг янги шаклларини жорий этиш бўйича тўгарак раҳбарлари ўртасида доимий ўқув-семинар ташкил қилинмоқда.

Ҳаким ЖЎРАЕВ,
«Ma'rifat» мухбири

Kuzatuv

БОЛАНГИЗНИНГ ДАРСИДА БЎЛГАНМИСИЗ?

Мактабга қадам қўйган фарзандларимизнинг ҳар бир куни янгидан-янги кашфиётларга бой бўлади. Фанларнинг мўъжизакор олами асирига айланган жажжи қалб саволлар, сўровлардан тўлиб-тошади. Бундай пайтда ота-оналар, бобою бувижонлар эринмасдан, тоқат билан болани тинглаб, ушбу саволларга жавоб топишда кўмакчи бўлмоғимиз лозим. Шунда боламизнинг идроки кенгайиб, кунданкунга билими бойиб, тафаккури тиниқлашиб бораверади. Демак, бола тафаккурининг шаклланишида оила, мактаб, ўқитувчининг хизмати беқиёс.

Очиғи, мактабга бориб, дарс жараёнини кузатишга ҳамма ота-онанинг ҳам имкони ёки хоҳиши бўлмайди. Баъзилар ҳатто ота-оналарнинг умумий мажлисида ҳам қатнашмайди. Аммо фарзандимизнинг дарсдаги иштирокини кузатиш, умуман, мактабдаги ҳаётини мунтазам назорат қилиб туриш унинг келажаги билан қизиқиш, деганидир. Қолаверса, боласининг ўқитувчи саволларига бийрон жавоб бераётганини ўз кўзи билан кўрган ота-онанинг қалбидан кечадиган фахр ҳисларини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмаса керак. Бунинг учун эса биздан озроқ вақт ва эътибор талаб қилинади, холос.

Ўзим илмий тадқиқотчи бўлганим учун таълим-тарбия жараёни менга бегона эмас. Қолаверса, она сифатида ҳам фарзандимга қандай таълим берилаётганига қизиқаман. Яқинда у таълим олаётган Мирзо Улуғбек туманидаги 49-мактабнинг 1-"А"синфида бўлиб, "Атрофимиздаги олам" фани дарсида иштирок этдим. Ушбу машғулот таассуротларидан келиб чиқиб, баъзи кузатишларим, ота-она ва ўқитувчининг фарзанд таълим-тарбиясидаги ўрни, масъулияти ҳақидаги мулоҳазаларимни сиз билан ўртоқлашгим келди.

Ўқитувчининг дарсга пухта тайёргарлик кўргани замонавий кўргазмали қуроллар, мультимедиа, саҳна кўринишларидан билиниб турибди. Дарс аввалида ўқувчиларни дарсга жалб қилиш учун ўқитувчи жонли ҳаракатли ўйинларни бошлаб юборди. "Кимнинг кайфияти яхши ёки кимнинг ҳали уйқуси очилмаган? Ким ўзининг севимли ити ё мушуги бўлишини ҳоҳлайди?" каби саволлар болаларнинг кайфиятини кўтариб, синфда жонланиш сезилди. Замонавий мультимедиа воситасида экранда ҳайвонот дунёсига доир қизиқарли лавҳалар намойиш этилди. Ўқитувчининг «Ёввойи ва уй ҳайвонларининг бир-биридан фарқи, уларнинг фойдали ва зарарли жиҳатларини биласизми?», деган саволига бутун синф жавоб беришга интиларди.

Бундай жонли мулоқот болада ўзига ишонч уйғотиб, уни ҳозиржавобликка ўргатади, албатта. Дарснинг маъқул жиҳатларидан бири яна шундаки, болаларнинг саҳна кўринишларини жонли, ишонарли тарзда тақдим этганлигида бўлди. Болалар ҳар хил ҳайвонларнинг ниқобларини тақиб олиб, "Энг кучли ким?" деган саволга жавоб излаб, ўзаро баҳс қилдилар. Барча ҳайвонлардан ташкил топган мажлис аҳли ичида мушук, тулки, бўри, айиқ, фил, йўлбарс, шер... бор эди. Мунозарада ҳамма ҳайвонлар ўзини энг кучли деб билар, ўзича энг зўрликка даъво қиларди. Баҳс сўнгида ҳаммасини эшитиб жим турган инсон ўртага чиқиб, муҳокамага якун ясайди. Дунёда энг мукаррам, энг улуғ, энг ақлли жонзот инсон эканини муроса йўли билан барчага тушунтиради. Шу билан биргаликда энг ёмон ишлар, ёвузлик ҳам одамлар томонидан қилиниши мумкинлиги, бу жуда ёмон ва катта гуноҳ эканлиги таъкидлаб айтилди.

Синф доскасида "Қизил китоб" макети осиб қўйилгани эътиборимизни тортди. Ўқувчиларнинг ундаги ҳайвонот олами билан таништирилиши, китобнинг нима мақсадда ташкил этилганлиги ҳақида берилган содда тушунчалар дарс самарадорлигини бир қадар оширди. Албатта ота-она учун кечагина боғча боласи бўлган фарзандининг бугун синф саҳнасида мустақил, ўзига ишонч билан сўзлаётганини кўриш қувонарли ҳол.

Ўқитувчи: «Ҳайвонлар ҳақидаги мультфильм, эртак қаҳрамонларини санаб беринг-чи», деганда, жавобга деярли бутун синф шошилди. Зийрак ва тажрибали ўқитувчи жараён давомида болаларнинг интизомини ҳам баҳолаб туришни унутмади. Ўқувчиларни зийракликка чақирди. «Қани, ким ҳайвонлар ҳақида қандай шеър билади?», деган қутилмаган савол ўқувчиларни бироз ўйлатиб қўйди. Бояги жонланиш, ҳовлиқиш ўрнини бироз сокинлик эгаллади. Аммо болалар ҳам билганича қўл кўтариб, жавоб беришга ҳаракат қилишди. Шунда ўқитувчи "Демак, келгуси дарсга ҳаммамиз ҳайвонлар ҳақида шеър ёдлаб келамиз", деб вазиятни юмшатди.

Машғулот бошқа фанлар, хусусан, она тили, математика фанларига уйғунлаштирилган тарзда ўтказилди. Болалар ҳайвонларнинг номларини айтиш билан бирга, сўзларни бўғинларга бўлиб, нечта бўғиндан иборатлиги, сўзда нечта унли, ундош иштирокини айтиб беришди. "Қайиқда тўртта айиқ, қирғоқда тўртта айиқ, ҳаммаси нечта?", " Дарахтда бешта қарға, учиб кетди иккитаси, нечта қолди?" каби математик топишмоқлар болаларни масала ечишда мушоҳада, мулоҳаза юритишга ўргатади. Бундай дарс усули хотирани мустаҳкамлаб, диққатни бир жойга жамлашга имкон берди. Бундай фанлараро боғлиқлик воситаларидан фойдаланиш дарс натижаларининг самарадорлигини оширишга, шубҳасиз.

Дарс жараёнида зерика бошлаган ўқувчиларни Зулфия опа ҳаракатли, жонли ўйинлар билан яна дарсга қизиқтириб олди. "Айиқ қандай юради, қушлар қандай учади, қуён қандай сакрайди?" сўровларига ўқувчилар ҳаракатни амалда кўрсатиш билан жавоб бердилар. Ўқитувчи ҳадислардан мисоллар келтириш билан ўтилган дарсни мустаҳкамлаб, ҳайвонларни ноўрин қийнаш, ўлдириш гуноҳ эканлиги, ҳар бир нарсанинг жавоби борлигини болаларга тушунтирди. Хуллас, қирқ беш дақиқалик сабоққа ўқитувчи Зулфия Воҳидова дарсда вақтни шундай тақсимлай билганки, ҳеч бир дақиқа ноўрин сарфланмади. Шу боис, ўтилган дарсдан ўқитувчи ҳам, ўқувчилар, ота-оналар ҳам мамнун, миннатдор. Дарс якунида машғулотнинг муҳокамаси бўлиб ўтди. Талаб ва истаклар сўралганда, "Қани энди, ҳар бир дарс шундай ўтилса", деб ният қилдик.

Мактабдан қайтар эканман, яна шундай ўй-мулоҳазалар хаёлимдан ўтди. Бугун таълим ва тарбияда янгидан-янги методлардан фойдаланиш, тинимсиз изланишлар келажак авлод камоли учун, албатта. Ҳар куни мактаб сари йўл олаётган фарзандимизга билим олиш унинг асосий мақсади, вақтнинг қадрига етишни таъкидлашни унутмаслигимиз, айтишдан чарчамаслигимиз шарт. Мактабга ўқиш учун отланган боламиз ҳам ақлан, ҳам виждонан вақт масъулиятини, ватан, ота-она олдидаги бурч туйғусини ҳис қилиши лозим.

Республикамиз мактаблари ўқитувчиларининг тажрибаларини ўртоқлашиши, бошқаларни ҳам баҳраманд қилиши таълим савиясини, самарасини ўстиришга хизмат қилади.

Санобар ТЎЛАГАНОВА,
тадқиқотчи

ДАВОМАТ УЧУН ҲАММА МАСЪУЛ

Ta'kid

Касб-ҳунар коллежида ўн йиллик фаолиятим давомида ёшлар пухта билим соҳиби ва маҳоратли касб-ҳунар эгалари бўлиши учун ҳукуматимиз томонидан барча шарт-шароитлар яратилганига, ўқитувчи ва касбий таълим усталари бу борада барча имкониятларини ишга солиб меҳнат қилаётганига гувоҳ бўлиб келаяпман.

Вилоятимизда фаолият кўрсатаётган касб-ҳунар коллежлари таълим соҳасида анчагина муваффақиятларга эришмоқда. Жумладан, Вобкент маиший хизмат касб-ҳунар коллежи 2002 йилда ишга туширилиб, 75 нафар ўқувчи ўқишга қабул қилинган эди. Ҳозирги кунда бу даргоҳда 616 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда. Коллежнинг моддий-техник базаси йилдан-йилга ошиб бормоқда. Замонавий компьютерлар, тикув машиналари, янги дарсликлар, бадиий адабиётлар бунга мисол бўла олади. Малакали ўқитувчилар сони анчага кўпайди. Дарс машғулотлари янги педагогик технологиялар асосида мазмунли ўтмоқда.

Қўлга киритилаётган ютуқлар билан бир қаторда ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Масалан, ўқувчилар давомати ҳақида фикр юритадиган бўлсак, менимча, бу кўпгина коллежларда энг оғриқли масала саналади. Кўп ҳолларда ўқувчининг сабабсиз дарс қолдиришига ота-оналар сабабчи бўлишяпти. Гуруҳ раҳбарининг ота-она билан суҳбатида турли хил ваъжбаҳоналар рўкач қилинади ёки ёлғондан «Эртага дарсга юбораман» деб алдашади. Натижада, давомат учун гуруҳ раҳбарига интизомий чора кўрилади. Бундай ҳолат учун ўқитувчининг айби нима? Ахир, «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасида умумий ўрта, шунингдек, ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг мажбурийлиги давлат сиёсатининг асосий принципи эканлиги қайд этиб ўтилган-ку?! Зеро, шундай экан, энг катта масъулият фарзандни тарбиялаб вояга етказган ота-онанинг зиммасида. Кейинги масъулият таълим муассасаси, туман ҳокимлиги вояга етмаган ёшлар билан ишлаш комиссияси, маҳалла фуқаролар йиғини ва бошқа тегишли давлат жамоат ташкилотлари фаолияти ва ҳамкорлигида бўлади. Агар ота-она фарзанди учун масъулиятни чин дилдан ҳис этса, жамоат ташкилотлари ўзаро ҳамкорлигини яна ҳам кенгайтирса, бу соҳада ижобий натижалар қўлга киритилади, деб ўйлайман. Ахир, бир болага етти қўшни ота-она, деб халқимиз бежиз айтмаган-ку.

Фатулло ҲАКИМОВ,
Вобкент маиший хизмат касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси

Muzlatkichda yegulik ma'lum vaqtdan keyin iste'molga yaroqsiz bo'lib qoladi-yu, sopol ko'za, xum-xumchalardagi oziq-ovqatlar mutlaqo aynimaydi.

«Dunyoda yalqov xalq yo'q, yalqov odamlar bor», deb hisoblaydi xitoyliklar.

СОПОЛ ИДИШЛАР ХОСИЯТИ

Ибтидоий жамоа давридан буён инсоният лойдан ясалган рўзғор идишларидан фойдаланиб келади. Ниҳоятда покизалиги, саломатликка кони фойдалиги билан сопол лаган, товоқ, пиёла, кўза, хум, хумча, хурмачалар элюртга машҳур бўлиб келганлигини сира-сира унутмаслигимиз керак. Биргина сопол кўза, хумларимиз ўзига хос музлаткич вазифасини ҳам ўтайди. Чиндан ҳам шундай. Музлаткичда егулик маълум вақтдан кейин истеъмолга яроқсиз бўлиб қолади-ю, сопол кўза, хум-хумчалардаги озиқ-овқатлар мутлақо айнимайди. Қишинёзин бир меъёрда муздек тураверади, қишда музлаб ҳам қолмайди. Хумдаги сувни ичсангиз, ёз иссиғида жоннинг ҳузури, ҳам мазали, ширин туюлади. Бу сопол буюмнинг хосияти, қандайдир мўъжизаси.

Хурмачага қатиқ ивитсангиз, устидаги бир энлик қаймоқ ҳавасингизни келтиради. Яқин-яқингача янги туққан сигирнинг оғиз сутини шундай хурмачага солиб, кўчама-кўча юриб, қўнишни, қариндошуруғ, таниш-билишларга хайри-худойи сифатида тарқатишган. Ҳар қандай обҳавода ҳам оғиз сути айнib, ачиб қолмаган.

Сопол товоққа сут қуйиб, чамбаракларга кечки пайт илиб қўйилса, тонг отгунча муздек ҳолда, қаймоқ отиб, киши иштаҳасини очиб юборади. Сигир сутини наҳорда пиширib, сопол косада қаймоғига нон тўғраб есангиз, шифо бўлади. Сопол пиёланинг чойи ажойиб. Кўк чойми, памил чойми, фарқи билинмай, аччиқ чойга ўхшаб кўринаверади. Келган меҳмон чойнинг суюқ-қуюқлигини билмай, яхши кайфиятда ичаверади. Бу сопол пиёланинг сир-асрори, албатта.

Сопол кўза, хум ва хумчаларга қадим замонлардан буён ноёб бойлик — тиллалар соулиб ерга кўмиб ёки пана жойларда сақлашган.

Bilasizmi?

Сопол пиёлалар қатори сопол чойнаклар ҳам ишлаб чиқарилган. Ҳозир ҳам сопол чойнаклар айрим хонадонларда ишлатилади. Унда турган совуқ-яхна чой танангизни яйратади. Жўмрагини бирор нарса билан маҳкамлаб қўйилса, яхна чойнинг таъми бузилмас экан.

Вилоят, шаҳарларимизнинг ўзига хос сопол лаганлари бор. Сифати, нақши билан қаердан эканлиги билиниб туради. Сопол буюмлар таркиби уста кулол Муҳиддин Раҳимов томонидан илмий текширилган. Нафақат Тошкент кулолчилиги, Ўзбекистон кулолчилиги сир-асрорлари чуқур ўрганилган. Эндиликда кулол ўғли Акбар Раҳимов оиласи билан ота касбини давом эттириб, уй-музейи (Қўқча даҳаси, Оқлон маҳалласи) очиб, мухлисларни қайратда қолдирмоқда.

Бир пайтлар Ғурумсаройдан машҳур кулол Мақсудали Туробов хонадонимиз меҳмони бўлиб, кулолчилик сирлари ҳақида ярим тунгача гапириб, мени ҳайратга солганди. Кулолнинг 60 йиллик тўйида Ўзбекистон Давлат санъат музейида катта кўргазма очилиб, бир жуфт сопол лаганни менга совға қилиб бергандилар.

Музейларда кулолчилик намуналари муносиб ўрин олиб, авлод-аждодларимиз ҳаётидан ҳикоя қилиб турибди. Қаерда археологик қазилма ишлари бошланса, ўша жойдан аждодларимиз фойдаланган сопол буюмлар чиқаяпти. Демак, буюмлар сардоридан фойдаланиш зарур. Буни инкор этиб бўлмайди. Бобомиз Соҳибқирон Амир Темур ҳам кулолларни жуда қадрлаганлар. Кулоллар ҳақида фильмлар яратилганини биламиз.

Маҳмуд АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон Бадиий академияси Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси

Ўзбек кулолчилик санъатининг нодир намуналари — сопол буюмларини газетанинг 16-саҳифасида томоша қилинг. Марҳамат!

СЕҲРЛИ ОЛАМ МАЛИКАСИ

Дилбар бир рақсни саҳналаштириб, унинг жилваларини томоша қилганингда, ич-ичингдан суюнасан. Раққосанинг қуй оҳангига мос сеҳрли, нозли, жилвакор хатти-ҳаракатлари қалбингга битмас-туганмас ҳузур бағишлайди. Табиатингдаги ажиб бир назокат ва гўзаллик ҳислари қайта уйғонгандек бўлади.

Муаллима Мавлуда Эралиева салкам ўттиз йилдан буён рақс оламининг маликасидир. Устоз Мукаррама Турғунбоевага ҳавас қилиб, рақснинг сирли оламига кириб келган ёш Мавлуда бугунги кунда жаззжи қизларга мураббийлик қилмоқда. У Бекобод шаҳар «Баркамол авлод» болалар марказида фаолият олиб бораётган «Пахтаой», «Шодлик» дасталари раҳбаридир.

Бу дасталар шаҳар, вилоят, республика кўрик-танловларида фаол иштирок этиб, фахрли ўринларни эгалламоқда. Шаҳар миқёсида ўтадиган барча тадбирларда доимий қатнашган санъат ғунчалари, аҳолига кўтаринки руҳ ва маънавий озуқа улашиб келади.

Мавлуда Эралиева изланувчан, ўз касбининг фидойиси. 1998 йилда у шаҳар санъат колледжида рақс бўлимининг очилишида ташаббускор бўлди. Мураббия «Истеъдодларни излаймиз» кўрик-танловида 1-ўринни эгаллади.

— Болалигимда Тамарахоним рақсларини кўриб, маҳлиё бўлиб қолгандим. Унинг нозик ҳаракатлари, ўзига хос нозу карашмалари мени сеҳрлагач, менда «раққоса бўламан» деган қатъий истак уйғонган, — дейди Мавлуда опа. Тақдир уни ўзи истаганидан зиёда сийлади. У раққосаликка ҳавасманд қизларга рақс сирларини ўргатиб, ўзи ҳам бир олам завқ олади. Билганларини ўргатса, билмаганларини ўрганиш учун тинимсиз изланади.

Мавлуда Эралиевадан рақс сирларини ўрганган шогирдлари турли олий ўқув юртларида ўз маҳоратларини ошириб, санъат устаси бўлиб етишдилар. Қаҳрамонимиз шогирдлари камолини кўрганида, ўз устозлари — Тошкент маданият институтида сабоқ берган домлалари Исроил Исмоилов, Темур Текаев, Қодир Мўминовни миннатдор бўлиб эслайди. Опанинг фарзандлари Севара, Холида ҳам оналари каби санъат йўлини танладилар. Айниқса, Севаранинг муваффақиятларини кўрганда, опанинг дилидан шукроналик ўтади. Севара «Офарин», «Тошкент зеболари», «Сабо», «Ўзбекистон» рақс дасталари гуруҳида турли давлатларга бориб, ўзбек рақс санъати жозибаси билан минглаб қалбларга завқ улашиб келмоқда. Мавлуда опа ўз ҳаётидан, босиб ўтган йўлидан мамнун.

Бекобод санъат колледжида ўзбек рақс санъати анъаналарини ёш авлод онгига сингдираётган Мавлуда Эралиева каби устозлар — фахримиз.

Шарифа МАДРАҲИМОВА

Barkamol avlod — mamlakat kelajagi

ЮТУҚЛАР ҚУВОНЧЛАРГА УЛАНИБ

Куршод роялга яқинлашгани сари тадбирда йиғилганлар ўриндиқларидан силжиб, қадларини ростлаб, қайтадан жойлашиб олдилар. Томошабинларнинг юзларида қандайдир ўзгача мамнуният, қувонч ифодаси намоён бўлмоқда эди. У аввал ўтирганларга қараб таъзим қилгач, сўнг фортепиано клавишлари устида ўз "сеҳрли" бармоқларини юргиза бошлади. Б.Гиенконинг «Импровизация»сини берилиб, мароқ билан ижро этар экан, унинг юз ифодаси, хатти-ҳаракатларида гўёки ушбу асарни ўзи яратгандек ҳис-ҳаяжон намоён бўлиб турарди. Куршод Сатторхонов Тошкент шаҳар Яккасарой туманида жойлашган 5-болалар музыка ва санъат мактабининг фортепиано йўналиши 7-синф ўқувчиси. У "Янги авлод" кўрик-танловида иштирок этиб, совринли ва фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда. Куршод бу галги II чорак ҳисобот имтиҳонида ҳам яна бир бор ўз истеъдодини намойиш этди.

— Куршод бизнинг "юзимиз", — дейди нимтабассум билан мактаб директори З.Ҳакимова. — У илк бор ўқишни бошлаган чоғларидаёқ, музыка ноталарини худди шеър каби ёд олар, бармоқларининг чиройли ва тартибли ҳаракатидан ҳам фортепианога бўлган қизиқиши-ю шаштини дарҳол англар олардик. Ҳозирги кунда мактабимизда фортепиано, скрипка, ўзбек халқ чолғу асбоблари, гитара, зарбли ва дамли чолғу асбоблари, эстрада хонандалиги, баян-аккордеон, хореография йўналишларида 300дан ортиқ Куршод сингари истеъдодли, иқтидорли ва билимли ўқувчи санъат соҳасида билим олиб келмоқда. Қолаверса, бизда мутахассислик билан бир каторда музыка назарияси, музыка адабиёти ва хор синфлари ҳам мавжуд бўлиб, ўқувчиларимизни жамоат олди чиқишларига, омма эътиборига кўниктириб боришга, қолаверса, ўз ижролари билан халқимизни хушнуд этишига ҳаракат қилиб келмоқдамиз.

Мамлакатимизда иқтидорли ва истеъдодли, ўткир зеҳн, теран заковат соҳиби бўлган, билими ва зукко ёшлар санъатнинг барча соҳаларида ўз салоҳиятларини намоён этаётганлари жамиятимиз маданий ҳаёти равнақига қўшаётган беминнат ҳиссаларидан нишонадир.

Маърифат ТЕМУРЗОДА

«Бир кам дунё» деймиз. Агар шундай бўлмаганида инсон ана шу кемтикликни тўлдириш учун улуғ ишларга қўл урармиди, йўқми, худо билади. Қаҳрамоним Жасур Жумаев юролмагани туфайли оёқлари ўрнига қўллари билан автомобил бошқаради, тоғларга чиқиб суратлар олади, ўқийди, ишлайди. Қисқаси, бир йигит енгиши керак бўлган ҳаёт машаққатларини енгиб келмоқда... Бўлиши мумкин эмас, дейишга ошиқманг. Ҳаётда ҳамма нарса бўлиши мумкин. Инсонда озгина интилиш ва ҳаракат бўлса, бас.

СОМОН МЎЪЖИЗАСИ

— 13 ёшимда тоққа қўзиқорин теришга чиқиб, жароҳат олганман, — дейди Жасур ўз ҳикоясини бошларкан. — Ўшанда, умуртқа поғонам шамоллаши оқибатида юролмай, ногиронлик аравасига михланиб қолдим. Шу пайтгача чопқиллаб юрган боланинг бу ҳолатга кўникиши осон бўлмади, албатта. Энг ёмони, бир табибнинг «Соғ аъзоингиз қолмабди» деган гаплари яшашдан умидимни узишгача олиб келган. Аммо ота-онамни ўйлаб, шайтонга «ҳай» бердим.

Жасурнинг сўзларини тинглаб туриб, японларнинг «Отанинг яхшилиги — тоғдай юксак, онанинг муҳаббати — денгиздай чуқур бўлади» деган мақоли ёдимга тушди. Чунки ҳаётнинг арзимас қийинчиликларига дош беролмай, ўлимни энг сўнгги чора билиб, ўз жонига қасд қилганлар камми дунёда?!

ҲАР БИР ИШДА ҲИКМАТ БОР

— Юролмай қолганимдан сўнг ўйлаш учун жуда кўп вақтим борлигини англадим. Фалокатда ҳам ҳикмат бор дейишимга сабаб, бекорчиликдан зерикиб, касб ўрганишга бўлган иштиёқим ортиб борарди. Натижада отамнинг маслаҳати ва ёрдами билан 2004 йили устозим Отабек Йўлдошевга шогирд тушиб, ўзбек сомон санъатини ўрганишга бел боғладим...

Одатдагидек, уйда сомондан картина ишлаб ўтирардим. Бир ўртоғим «Келажак овози» танловида қатнашмайсанми?», деб қолди. Бошда қандай бўларкан, деб ўйлагандим. Вилоятда 1-ўринни олгач, юрагимда ишонч билан бирга бироз қўрқув ҳам пайдо бўлди. Иқтидорлилар кўп эди. Республика босқичида ҳам ғолиб бўлиб, 1-ўринни эгаллаганимдаги ҳаяжонимни таърифлаш қийин. Саҳнадан туриб, ота-онамга қўнғироқ қилдим. Уларнинг қувонганини айтмайсизми! Ҳаётнинг ўзи инсонга йўл кўрсатар экан.

Шу танлов туфайли 2007 йили Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтига давлат гранти асосида ўқишга кирдим. Ҳозир амалий санъат факультетининг компьютер графикаси ва бадиий фото бўлими 4-босқичи талабасиман. Биринчи курс талабалари мени кўриб аввал ҳайрон қолишарди, кейин ўрганиб кетишди. Устоз ва талабаларнинг муносабати яхши. Нолимайман: ота-онам, оилам, фарзандим, ўқишим, ишим, бир шогирдим ҳам бор. Ҳадемай ўқишни битираман. Олий даргоҳнинг ўзига яраша талаблари бор. Ҳозир бир иш бошласам, охирини ўйлайман. «Сижжак асаларичилик сулоласи» мавзуида диплом иши ёзаяпман. Талабаликни сира тарк этгим келмайди. Илм олишга бўлган ташналигим кундан-кунга кучайиб бормоқда.

ИНТИЛГАНДИ, ТОЛЕ ЁР БЎЛДИ

1984 йили Бўстонлиқ туманининг Сижжак қишлоғида асаларичи Алимбой ака ва Назира Жумаева хонадонида туғилган Жасур Тошкент шаҳар «Ҳунармандлар» ҳамда «Ijod» рассом, санъатшунос ва халқ рассомлари уюшмалари аъзоси. У Тошкент Фотосуратлар уйида бўлиб ўтган турли кўргазмаларда иштирок этган. 2007 йили «Ўзбек сомон санъати» Республика кўргазмасида, Ўзбекистон савдо-саноат палатасининг «Ташаббус-2009» кўрик-танловида «Энг яхши ҳунарманд» йўналишида Мирзо Улуғбек туман босқичида 1-ўрин, шаҳар босқичида эса 3-ўрин соҳиби бўлган.

— Фотоаппаратимни кўтариб, одам кўп жойларга бориб, сурат оламан, мусиқа эшитаман, одамларни кузатаман. От ёки эшакда тоғ айланаман. Бундай пайтда одам қаддини тутиб турадиган оёқ ҳисобланади. Оёқларимда мени тутиб тура оладиган қувват бўлмагани сабабли ўзимни эшакка маҳкам боғлатиб қўяман ва тоғларда сурат оламан. Павильонда бўлса, юрагим сиқилади. Табиатга қизиқаман. Юртим табиатини одамларга кўз-кўз қилгим келади. Институтдагилар ҳам бунга ўрганиб қолишган. Нуқул тоғларни суратга туширасан, дейишади. Кўпинча ёлғиз ижод қиламан. Чунки ёнимдаги одамнинг «Шуни суратга олиб нима қиласан» дейишидан қўрқаман.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан ташкил этилган «Bazar Art» кўргазма-ярмаркасида сомондан ясалган суратларим билан тўртинчи марта қатнашдим. Кўргазма иштирокчиларига ва уларга яратилган шароитга қойил қоламан. Ахир, юртимиз ҳунармандлари ана шу ярмарка орқали ўз меҳнати маҳсулини кўрсатишмоқда. Бу — юртимиз ютуғи. Мен ҳам ўзбек сомон санъатини дунёга кўрсатмоқчиман.

ЯХШИ УСТОЗ — ТАҚДИР ИНЪОМИ

Жасурнинг оддий сомондан яратган миниатюраларини кўриб, аввалига, бундай гўзал санъат асарининг оддий сомондан ясалганига шубҳалангандим. Лекин картиналарга тикилиб қарагач, бунга ишондим. Қишлоқда яшаган ҳар бир инсон сомон лойсувоқ қилинадиган уйларни яхши билади. Очиғи, сомондан санъат асари яратиш мумкинлиги ўзимнинг хаёлимга ҳам келмаганди. Шу боис, ўзбек сомон санъатининг тарихи билан қизиқиб интернетга қидирув-эълон бергандим «Жамият» газетасида чоп этилган мазкур маълумотга кўзим тушди:

«Отабек Йўлдошев бир пайтлар ишбилармон, тадбиркор, пойтахтдаги йирик фирмалардан бирининг раҳбари эди... Унинг бир қанча савдо дўконлари ва хусусий ишлаб чиқариш цехи бор эди. Ҳа, ҳаммаси яхши эди. Аммо бир куни кутилмаганда фалокат юз берди. 1998 йил баҳорида Отабек автофалокатга учради. Шифокорлар унга ногиронлар аравачасида юришни тавсия қилишди.

Бир куни у кўчада икки кишининг қандайдир ажабтовур гуллар ясаб сотаётган кампир ҳақида гаплашишаётганини эшитиб қолади ва ўша кампирни излаб топади. Ёши саксондан ҳам ўтиб, кексайиб қолган онахонга: «Менга ҳозир шу ҳунарни ўргатасиз» деб туриб олади. Шундан сўнг у кекса устози Ираида Тряшченкодан сомондан гул ясашни, аниқроғи, сомонли тасвирий санъатни тезда ўрганиб олади. Шундан сўнг унинг ушбу санъати «Ўзбек сомон санъати» номи билан дунёга танилди. Энг хайрлиси эса, Афғон уруши ногиронлари республика хайрия жамғармаси тасарруфида ташкил этилган ўқув-реабилитация студиясида ўнлаб ногирон уруш қатнашчиларни ижодга жалб этди...».

Буни қарангки, Отабек аканинг Жасурга устозлик қилиши тақдирнинг унга тухфаси экан!

АФСУС...

«Дунёда ялқов халқ йўқ, ялқов одамлар бор», деб ҳисоблайди хитойликлар. Бу нақлга суҳбатдошимиз Жасур Жумаев ҳам қўшилади:

— Кўча-кўйда юрганимда тўрт мучаси соғ бўлатуриб тиланчилик қилиб юрганларни кўрсам, уяламан. Аслида, улар ногирон эмас, ялқов кимсалар. Энг ёмони, аравачамда бозор-ўчар қилгани тушганимда баъзилар қўлимга 100-200 сўм тутқазиб, «Мени дуо қилиб қўйинг» дейишади. Бундай ҳолларда ўзимни ҳақоратлангандек сезаман. Аммо ногиронлик аравачасида эканлигим ёдимга тушиб, ўзимни босаман. Шу сабабли ёнимга доимо пул солиб оламан-да, «Ака, пулим бор, сизникини нима қиламан» дейман. На илож, тиланчи ниқобидаги анави ялқовлар одамлар онгини заҳарлаб улгуришган.

БИР КАМ ДУНЁ...

Дунёнинг ишлари қизиқда. Кимнингдир тўрт мучаси соғу, аммо, жонини оғритмай пул топиш пайида...

Яна кимдир, ҳаётнинг кутилмаган зарбалари туфайли ногиронлик аравачасига михланиб қолишга мажбур бўлса-да, ўзини ўтга-чўққа уриб ҳаётини мақсадли қўзғазади.

Яна бир тоифа одамлар тўпланган мол-дунёнинг ҳадҳисоби йўқ. Аммо улар «тўқлиққа–шўҳлик» аталмиш боши берк кўчага кириб қолиб, қайтиб чиқишга йўл топа олмай қоладилар.

Бошқа бир тоифадагиларнинг эса, орзу-умидларидан бўлак сармояси бўлмаса-да, ўзларини дунёдаги энг бой инсон деб ҳисоблайдилар.

Кимнинг қайси тоифага мансуб эканлигини эса, вақтнинг ўзи кўрсатади...

Назира БОЙМУРОДОВА

Жасур Жумаев томонидан оддий сомондан яратилган миниатюралар билан газетамизнинг 16-саҳифасида танишасиз.

"БАХТ УЙИ" КАТТА ЭКРАНДА

Алишер Навоий номидаги киносаройда "2012 йил — Мустаҳкам оила йили"га бағишлаб "Ўзбеккино" миллий агентлиги томонидан суратга олинган "Бахт уйи" кинокартинасининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Одамзод дунёга келар экан, бахтга интилиб яшайди. Унга эришиш учун инсондан ҳаракат, сабр-тоқат, ишонч ва интилиш талаб этилади. Бахт инсоннинг ўз қўлида. Ана шу ғояни ўзида ифодалаган ушбу асарнинг сценарий муаллифи ва режиссёри ёш ижодкор Акбар Бектурдиев. Фильмда бир неча йил олдин автоҳалокатга учраб, ногирон бўлиб қолган опасини бахтли кўрмай туриб, ўз оилавий ҳаётини қуришни истамаган сингил образи очиб беришга жонкуяр устозлар, қалби қайноқ ижодкорлар ва синчков томошабин бор экан, яхши санъат асарлари дунёга келаверишини таъкидладилар.

Taqdimot

Тақдимотда яна икки асар томошабинлар эътиборига ҳавола этилди. Булар – ёш мультипликатор Бехзод Салоҳиддиновнинг "Айтсам, ишонмайсиз..." мультфильми ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси драматургия (театр ва кино) кенгаши томонидан нашр қилинган 11 нафар ёш ижодкорнинг театр ва кино соҳасидаги илк ижод намуналари ўрин олган "Жозиба" тўпламидир. "Бахт уйи" бадиий фильм сценарийси ҳам ушбу тўпламдан жой олганди.

"Айтсам, ишонмайсиз..." мультфильми ўзбек киносанъати, хусусан, мультфильмлар яратиш соҳасида янги бир даврни бошлаб берди, десак хато бўлмайди. Боя жиҳатидан пишиқ, ҳеч бир замонавий мультасарлардан қолишмайдиган ушбу мультфильм кулгили воқеалар орқали томошабинга тўғрисўзлиликни ўргатади.

Соҳиба МУЛЛАЕВА

Qaror va ijro

ЭЛГА ЗИЁ УЛАШАЁТГАНЛАР

Мамлакатимизнинг барча жойларидаги каби Термиз шаҳрида ҳам вилоят ахборот-ресурс маркази фаолият кўрсатмоқда.

Ишбилармон мутахассис Ҳамид Тўрақулов ишни марказнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, малакали кадрларни танлашдан бошлади. Қисқа давр ичида муассаса нафақат шаҳар аҳолисига, балки туманлардаги шундай масканларга методик ёрдам кўрсатадиган масканга айлантирилди. Бу ҳакда Ҳамид Тўрақулов шундай дейди:

— Вилоят ҳокимининг 2006 йил 27 июндаги 104-сонли қарорига асосан, халқ таълими бошқармаси тизимида 1та вилоят, 1та шаҳар, 14та туман ахборот-ресурс маркази ташкил этилган эди. Ҳозирги кунда улар сони 87тага етди. Шаҳар ва тумандан ташқари 70та мактабда ҳамда педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида ахборот-ресурс маркази аҳолига маърифий хизмат кўрсатяпти. Бу ишлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июнда қабул қилган «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига асосан амалга оширилди. Марказимиз 2006—2011 йиллар давомида маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 13 дона компьютер, 2 дона сканер, 5 дона нусха кўпайтирувчи техника, 6та кондиционер, 2та телевизор, 2та DVD, 1 дона факс, 1та проектор воситаси, ўқув зали учун 30та замонавий стол-стул билан таъминланди. Компьютерлар локал тармоққа уланган. Интернет тармоғи мунтазам ишлаб турибди.

Шаҳарнинг энг гавжум жойидаги 2 қаватли бу бинога кирар экансиз, авваламбор, диққатингизни анвойи гуллар тортади. Уларни кўриб кайфиятингиз кўтарилади. Шу руҳ билан ичкарини кўздан кечирсангиз, тозалик, озодалик, дид билан ишланган, маънавиятли-маърифатли бўлишга ундовчи шиорлар, янгиликлардан воқиф этувчи стендлар сизни билимлар мамлакатига чорлайди. Хоналарда эса касбининг фидойилари бўлган кутубхоначилар ширин муомаласи билан билимлар хазинасига мухлисларни таклиф этади.

Маскан директори бизни иккинчи қаватда жойлашган янги ахборот технологиялари ва интернет бўлимига бошлаб кирди. Шинам хонада 5та компьютер, нусха кўчириш аппарати жойлашган. Бизни бўлим мудири Адолат Худойқулова очиқ чеҳра билан кутиб олди.

— Ҳозирда бизнинг бўлимимизга 5 минг китобхон аъзо бўлган. Улар орасида компьютерни яхши биладиганлари билан бир қаторда билмайдиганлари ҳам бор. Илк маротаба келганлар билан «Компьютер сабоқлари» машғулотини ўтказамиз. Уларга компьютердан фойдаланиш йўллари, интернетта, сайтларга кириш, электрон почта очиш, керакли манбаларни излаб топишни ўргатамиз. Илмга чанқоқлар орасида ўқитувчилар, ўқувчилар, уй бекалари, пенсионерлар, турли касб-ҳунар эгалари бор. Қизиқувчилар нафақат шу ерда фойдаланишади, балки керакли маълумотларни флешкага, дискка, қоғозга кўчириб кетишади. Бизда слайдлар рўйхати, маъруза матнлари, сценарийлар, мультимедиалар бор, — дейди у.

Унинг ёнидаги хонада ахборот-библиография ва ўлкашунослик бўлими жойлашган экан. Кўп йиллик стажга эга малакали мутахассис Мукаррама Ҳусанова шаҳардаги «Шифокор» маҳалласида истиқомат қиладиган уй бекаси Муқаддам Даминовага олинган янги адабиётлар ҳақида маълумот бераётган экан.

— Уй-рўзғор юмушлари, фарзандлар тарбиясидан вақт топиб бадиий асарлар ўқийман — дейди Мукаррама опа. — Айниқса, шоир ва адибларимизнинг аёл образи талқин этилган китобларини севиб мутолаа қиламан. Чунки Шарқ аёллари доимо илмга интилиб келган. Ҳаким ат-Термизий бобомиз «Илм — бу нурдир. Инсон қалби ёвузликдан қанчалик тозаланса, илм яна мукаммал бўлади ва нур таратади», дерлар. У кишининг қизлари Ҳурайда бинти Муҳаммад ал-Ҳаким-ат Термизий билимдон, оқила бўлган. Бизгача етиб келган манбаларда ёзилишича, у Қирққиз аёллар академиясида қизларга сабоқ берган. Биз уларга муносиб рисалар бўлиш учун кутубхоналарга келиб, билим булоғидан бахраманд бўлишимиз керак. Бизга бу ерда барча шароитлар яратилган.

Ҳақиқатдан ҳам шу бўлимга аъзо бўлганлар сони 1500 нафардан ортиқ экан. 7200 номдаги турли хил адабиётлар, 44 номдаги маҳаллий ва республика газета-журналлари мавжуд. Эътиборли томони, бўлимга ҳар йили янги китоблар келтирилади. Бўлим мутахассисининг тажрибасини туман, мактаб ахборот-ресурс маркази ходимлари ўрганиш учун тез-тез келиб туришади.

Ўрта ва катта мактаб ёшидаги китобхонларга хизмат кўрсатиш бўлимига кирганимизда, бир қанча мижозларнинг китоб танлаётгани устидан чиқдик. Улардан бири «Тақдим» вилоят газетасининг муҳаррири Сарвар Тўраев экан. «Бу ерга касб тақозосига кўра, тез-тез келиб тураман. Ходимларнинг муомаласи ширин, ишлаш тезлиги юқори. Истаган газета, журнал, китобимни компьютер орқали бир зумда топиб беришади. Жаҳон адабиёти дурдоналарини мириқиб мутолаа қиламан. Бундан ташқари, журналистикага оид китоблар кўп. Уларни ўқиб, касб маҳоратимни ошираман. Айниқса, Назира Абдуазизованинг 2 жилддан иборат «Миллий журналистика тарихи» китоби менга манзур бўлди, — дейди у. Шунингдек, Термиз давлат университети қошидаги 1-академик лицей ўқувчиси Сергей Шелист ҳам бўлим ҳақида ижобий фикрлар билдирди.

Бундан ташқари, мактабгача ва кичик ёшдаги болаларга хизмат кўрсатиш ҳамда медиатека, сақлаш ва электрон ретрокаталогни ташкил этиш, илмий услубият бўлимларида ҳам диққатга сазовор ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, Х.Чориев раҳбарлик қилаётган илмий-услубият бўлимининг туман (шаҳар), мактаб ахборот-ресурс марказларига бераётган ёрдами самарали бўлаётир. Ҳар ойда бир марта ўтказилаётган амалий семинардан мутахассислар зарур маслаҳатларни олиб, ўзаро тажриба алмашишмоқда. Бўлим томонидан яратилган «Мактаб ахборот-ресурс маркази ва кутубхоналари фаолиятини методик жиҳатдан мониторинг қилиш усуллари», «Туман АРМ услубчилари ишини мувофиқлаштириш бўйича кенгаш фаолиятини ташкил этиш услублари» каби қўлланма ва тавсиялар нашр этилиб, кўп нусхада мутахассисларга тарқатилди.

Вилоят ахборот-ресурс маркази йилига 25 миллион сўмлик турли хилдаги адабиётларни харид қилиб, туманларга тарқатмоқда. Демак, бу китоб дўконлари йўқ бўлган чекка қишлоқлардаги зиё масканларида китобхонлар сонининг йилдан-йилга ошишига олиб келаяпти.

Хуллас, фидокорона меҳнати билан янги технологиялардан фойдаланиб, китобхонлар сонини орттираётган, республикамиз ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётида рўй бераётган ўзгаришларни тарғиб этаётган, ёшлар ва аҳолининг турли қатламлари билимини китоб хазинаси орқали ўстираётган зиёкорларнинг саъй-ҳаракати таҳсинга лойиқ. Уларнинг элга зиё тарқатишдаги илғор тажрибасини ўрганиб, оммалаштирса арзийди.

Норқувват ТЎРАЕВ,
«Ma'rifat» мухбири

ҲАЁТНИНГ ҲАР ЛАҲЗАСИ БИР ТАРИХ

Тарих — улуғ мураббий. Унинг сабоқларида ўтмиш ҳақиқати мужассам. Келажакнинг умид ва ишончи бўй кўрсатар ҳар бир дарсида. Шу боис ҳам тарих фанини ўқитишнинг ўзига хос мураккаб ва қизиқарли жиҳатлари кўп.

Ўқитувчи ўтадиган дарсларини имкон қадар бевосита бугунги кун билан боғлаб, кўргазмали ўтса, ўқувчилар мавзуни тез ва осон ўзлаштиради. Минг марта эшитгандан бир марта кўрган афзал, деб бежиз айтишмаган. Шунингдек, маҳаллий ўлка тарихига оид материаллар ўқувчи-ёшларни муайян ҳудудда турли даврларда умргузаронлик қилган ота-боболари ва улар амалга оширган ишлар билан ошно этувчи ўзига хос мактаб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам улар тарихий ёзма ҳужжат шаклида ва меъморий-моддий кўринишда бўладими ёки оғзаки маънавий-маърифий манба бўладими, қатъи назар, ўқувчилар руҳиятига кучли таъсир кўрсатади.

Шу маънода Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Қосимжон Ёқубовнинг «Шарқ» нашриётида нашрдан чиққан «Ҳаётнинг ҳар лаҳзаси бир тарих» китоби фан ўқитувчилари учун ўзига хос совға бўлди, дейиш мумкин. Шунингдек, умумтаълим мактабларида тарих ва ҳуқуқ фанлари ойлиги ўтказилаётган айни пайтда мазкур китоб турли хил янги маълумотлари билан шу фан ўқитувчилари учун керакли манба бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз. Тарих ўқитувчиларига ҳамда кенг жамоатчиликка ўлкамиз тарихининг бетакрор сир-синоатларидан сўзловчи ушбу хазина фидойи муаллимнинг тарихий ўгитлари билан бойитилган. «Уруғ заҳмат чекиб, чечак бўлур», «Афсоналар замирида ҳақиқат мужассам», «Жой номлари — қадриятлар тимсоли» ва шу каби бошқа бўлимларда муаллифнинг тарих сирларини очишга доир янги изланиш ва тадқиқотлари натижалари ўз аксини топган. Шунингдек, муаллиф тарихни кўргазмали қуроллар орқали ўқитиш ташаббускори бўлибгина қолмай, мактабда ташкил этилган 3та тарих бурчаги намунасида ундаги тарихий ашёлар ва уларнинг аҳамиятига ҳам тўхталиб ўтган.

Қуйида муаллифнинг фикрларини келтириш билан китоб ҳақидаги қисқа фикрларимизни хулосаласак: *«Тарих ўқитувчиси таълим-тарбия бераётганида ўқувчиларга, аввало, ўз ўлкаси тарихини, унинг жойлашган ўрни, табиий-иқлимий шароити ва ҳозирги ҳаётини акс эттирувчи манбаларни, наботот ва ҳайвонот оламини, табиий бойликларини кўпроқ ўргатиши, шу тариқа уларнинг билимларини мустаҳкамлаши, ишонтириши керак. Агар шу жараёнда муқаддам тарих ва география фанлари соҳасида амалга оширилган ишларга ўзидан андаккина бўлса ҳам янгилик қўша олса, нур устига нур бўлади».*

Шаҳло ЭРҲОНОВА

Kollejning qo'li gul tikuvchi-yoshlari tomonidan tayyorlanayotgan maxsus kiyim-boshlar o'zining bejirimligi bilan kishi havasini keltiradi.

БИТИРУВЧИЛАРГА — ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

Майманоқ саноат касб-ҳунар коллежи Касби туманидаги энг гўзал ва кўркам ўқув иншоотларидан биридир. Айни дамда ушбу таълим муассасасида 1025 нафар ўғил-қиз нефть ва газни қайта ишлаш, компьютер ва офис дизайнери, тикувчилик ишлаб чиқариши каби ўндан ортиқ йўналишлар бўйича таълим-тарбия олиб, касб-ҳунар ўрганишмоқда.

Milliy dastur — amalda

— Коллежимизда тайёрланаётган кичик мутахассисларга эҳтиёж жуда катта, — дейди коллеж директори Бобоназар Сатторов. — Чунки қўшни Муборак туманида нефть ва газни қайта ишлаш заводи, Зеварда, Кўқдумалоқ газ конлари ва шу каби ишлаб чиқариш корхоналари мавжуд. Коллежимизда тайёрланаётган ёш мутахассисларга ҳали ўқишларини тугатмасданоқ юқоридаги корхоналардан буюртмалар келиб тушмоқда. Ўқувчиларимиз ўзлари истаган иш ўринлари учун корхоналар билан меҳнат шартномаларини тузишмоқда. Коллежимиз битирувчилари доимий иш ўринларини топаётганлиги биз учун янада қувонарли ҳолдир. Ўтган ўқув йилида коллежни тамомлаган 344 нафар ёш мутахассис иш билан тўлиқ таъминланди. Улардан 23 нафари олий ўқув юртларида ўқишларини давом эттираётган бўлса, қолганлари эса турли соҳалар бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланишмоқда. Биргина нефть ва газни қайта ишлаш йўналиши бўйича 30 нафар коллеж битирувчилари фаолият олиб бораётган бўлса, ана шулардан 14 нафари Муборак нефть ва газни қайта ишлаш заводида ўз мутахассисликлари бўйича ишламоқдалар. Бу йил ҳам коллежни тамомлаётган 341 нафар ўғил-қизнинг иш жойлари аниқланиб, уч томонлама шартнома имзоланди.

Касб-ҳунар коллежида бюджетдан ташқари маблағ ишлаб топишга ҳам эътибор қаратилган. Айниқса, коллежнинг тикувчилик ишлаб чиқариши йўналиши устахонасида Муборак нефть ва газни қайта ишлаш ва газ конлари ишчи-хизматчилари учун махсус кийим-бош ҳамда қўлқоп тайёрланиб, ўз вақтида етказиб берилмоқда.

— Тайёрланаётган ушбу махсус кийим-бошларга нафақат юқоридаги ишлаб чиқариш корхоналаридан, балки вилоятимиздаги бошқа кўплаб корхоналар томонидан ҳам буюртмалар келиб тушмоқда, — дейди касб-ҳунар коллежи директорининг касбий таълим бўйича ўринбосари Бекзод Шодмонов. – Йўлга қўйилган ҳамкорлик ўқувчилар учун ҳам фойдали бўлаётир. Улар назарий олган билимларини амалиётда қўллаб, ўз севган касби сирасорларини чуқур ўзлаштириб олишаяпти.

Коллежнинг қўли гул тикувчи-ёшлари томонидан тайёрланаётган махсус кийим-бошлар ўзининг бежиримлиги билан киши ҳавасини келтиради. Тайёрланаётган буюмлар сифатли. Юртимизда бир неча йилдан буён ўтказилиб келинаётган "Баркамол авлод" спорт мусобақаси иштирокчиларининг эгнидаги бежирим спорт кийимлари ҳам айнан ана шу коллеж тикувчи-қизлари томонидан тайёрланиб берилаётганлиги таҳсинга лойиқ. Бу каби ютуқлар замирида коллеж жамоасининг тинимсиз изланишлари ётади, албатта.

Эътиборлиси, ўқув даргоҳи ўқувчилари турли хил кўрик-танловларда муваффақиятли қатнашишаяпти. Масалан, ўтган йили фанлар олимпиадасининг туман босқичида коллежнинг 8 нафар ўқувчиси 1-ўринни олиб, вилоят босқичига йўлланма олди. Ўқувчилардан Феруз Тўрабов она тили ва адабиёти фанидан 1-ўринни, Юсуф Соипов иқтисодий билим асослари фанидан 4-ўринни эгаллади. Бундай ютуқларга эришишда Ю. Отамуродова, Д. Мўминова, Ш. Шодиёрова каби ўқитувчиларнинг хизматлари каттадир.

Касб-ҳунар коллежлари ўртасида юқори нуфузга эга бўлган "Касб маҳорати" республика кўрик-танловида коллежнинг тикувчилик ишлаб чиқариши йўналиши бўйича Гулрухсор Намозова туман ва вилоятда 1-ўринни эгаллаб, якуний босқичда муносиб иштирок этди. Коллежнинг автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш йўналиши бўйича Жавоҳир Отаёров вилоятда фахрли 2-ўринни қўлга киритишга муяссар бўлди. Бунда уларнинг устозлари Худоёр Аллоёров, Ойбек Томошаевларнинг хизматлари катта.

"Ёш истеъмолчи-2011", "Барҳаёт сиймолар", "Сиз қонунни билсизми?", "Шунқорлар" ҳарбий ватанпарварлик кўрик-танловида ҳам коллеж жамоаси туманда 1-ўринни эгаллаб, вилоят босқичида муносиб иштирок этди. "Касбинг — сенинг келажагинг" мавзусидаги кўргазмада коллеж жамоаси вилоятда ғолибликни қўлга киритди. Ана шундай ютуқлардан яна бири коллеж ўқувчиси Миршод Жумаев "Баркамол авлод-2011" спорт мусобақасининг Республика босқичида волейбол тури бўйича вилоят терма жамоаси сафига иштирок этганлигидир. Бу каби ютуқларга эришишда ўзининг салмоқли улушини қўшган ўқитувчи ва ўқувчилар коллеж ишлаб чиқариш фонди ҳисобидан қимматбаҳо совғалар ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди.

Коллежда ўқитишнинг замонавий усуллари кенг қўлланилмоқда. Бундай замонавий шаклларни қўллаш эса таълим жараёнида юқори самарадорликка эришиш билан бир қаторда ўқувчиларнинг давомати юқори бўлишига ҳам асос бўлмоқда.

Мазкур ўқув йилида бир қатор фан кабинетлари кўргазмали қуроллар билан бойитилди. Ҳозир электроэнергетика, нефтгаз, она тили ва адабиёт, шахс ва жамият, рус тили ва адабиёти, биология, материалшунослик, йўл ҳаракати қоидалари фан хоналари кишида ҳавас уйғотмасдан қўймайди.

Коллежда кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларига ҳам жуда катта эътибор қаратилмоқда. 0,5 гектар ерда боғ яратилган бўлса, яна шунча ерда токзор барпо этилди. Худди шунингдек, 0,3 гектар ер турли қишлоқ хўжалиги экинлари экиш учун тайёрлаб қўйилди. Ички йўлакларга 500 тупдан ортиқ турли-туман атиргул кўчатлари ўтказди.

Майманоқ касб-ҳунар коллежига Муборак туманининг Қарлиқ, Хўжа Муборак, Гулистон қўрғончасидан, Касби туманининг Месит, Комилон, Қатағон, Оқ жангал, Косон туманининг Тенибек, Эсабой қишлоқларидан ўқувчи-ёшлар келишиб, касб-ҳунар ўрганишмоқда. "Малик" хусусий савдо-ишлаб чиқариш корхонаси автомобиллари ўқувчиларга 50 фоиз арзонлаштирилган ҳолда хизмат қилмоқда. Бу ёшларимизнинг пухта билим олиб касб-ҳунар ўрганиши йўлидаги бир қулайликдир.

Ўктам МЕЙЛИЕВ,
"Ma'rifat" мухбири

САВОЛ:

2004 йил Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети роман-герман филологияси (француз тили) мутахассислигини тугатганман. Инглиз тилига ҳам қизиққанлигим сабабли шу университет қошидаги инглиз тили бўйича ўқув марказининг 3 ойлик курсини ўқиб сертификат олганман. Мен энди мактабда француз тили билан параллел равишда инглиз тили фанидан ҳам дарс беришим мумкинми?

Шаҳло АҲМЕДОВА
Навоий шаҳри

ЖАВОБ:

Халқ таълими муассасаларида фаолият кўрсатаётган номутахассис кадрларни тегишли педагогик мутахассисликка қайта тайёрлаш ҳақида низомнинг 3-бандида педагог маълумотли, лекин дипломида кўрсатилган йўналишдан ўзга фанлар ёки курслардан дарс бериш ҳуқуқини олувчилар учун касбий қайта тайёрловдан ўтиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2011 йил 30 декабрдаги 01-325-сонли хатига кўра, Навоий вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида "Инглиз тили" фанидан қайта тайёрлов курси ташкил этилишига рухсат берилган.

Навоий вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтига мурожаат қилишингиз мумкин.

САВОЛ:

Мен 2002 йилда ЎзМУнинг биология-тупроқшунослик факультети экология бўлимини битирганман. Ҳозир мактабда биологиядан дарс бераман. Бироқ эндиликда қайта тайёрловдан ўтиб, сертификат олиб келишимни талаб қилишмоқда. Шу тўғрими?

Гуллола МЎМИНОВА,
Шаҳрисабз туманидаги 22-мактаб ўқитувчиси

ЖАВОБ:

Халқ таълими муассасаларида фаолият кўрсатаётган номутахассис кадрларни тегишли педагогик мутахассисликка қайта тайёрлаш ҳақида низомнинг 3-бандида педагог маълумотли, лекин дипломида кўрсатилган йўналишдан ўзга фанлар ёки курслардан дарс бериш ҳуқуқини олувчилар учун касбий қайта тайёрловдан ўтиши белгиланган. Сиз ҳам касбий қайта тайёрловдан ўтишингиз шарт.

САВОЛ:

Мен она тили ва адабиёт фанидан дарс бераман. Фаолиятим давомида уч марта (охирги марта 2010 йилда) малака оширдим. Мен яна малака оширишим керакми? Умуман, ҳар бир ўқитувчи фаолияти даврида қанча муддат оралиғида малака ошириши керак?

Ҳамза ФАРМОНОВ,
Касби туманидаги 9-мактаб ўқитувчиси

ЖАВОБ:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институт (марказ)лари ҳақидаги Низомнинг 3-бўлим, 11-бандида педагог кадрлар малакасини оширишнинг даврийлиги ва уни ташкил этиш шаклларига ҳамда педагогнинг малакаси (рейтинги) даражаси ва индивидуал касбий эҳтиёжига мувофиқ кадрлар буюртмачисининг талабларига боғлиқ ҳолда белгиланиши ҳамда халқ таълими раҳбар ва педагог кадрлари ҳар 3-5 йилда бир марта малака ошириш курсларидан ўтиши белгиланган.

Саволларга ХТВ мутахассиси
Улуғбек МАМАРАСУЛОВ жавоб берди

ҚУЁШ ЭНЕРГИЯСИ

экологик софлик, тадбиркорлик ва тежамкорлик омилидир

Кейинги ўн йилликда бутун дунёда гелиоэнергетика — Қуёш энергетикасидан фойдаланиш йўналиши тез суръатлар билан ривожланмокда. Шимолий Скандинавиядан тортиб то Африканинг жазирама саҳроларида жойлашган дунёнинг 70 дан ортиқ мамлакатларида гелиоэнергетик дастурлар асосида илмий тадқиқот ва амалий ишлар олиб борилмокда. Қуёш қурилмаларидан биноларни иситиш ва совутиш, электр энергияси ҳосил қилиш ҳамда турли технологик жараёнларни амалга оширишда фойдаланилмокда. Қуёш панелли гелиовелосипед, гелиомопед, моторли қайиқ, яхта, учиш аппаратлари ва дрижабл каби транспорт воситалари пайдо бўлди.



Кеча ҳайратомуз автоаттракцион бўлиб туюлган қуёшмобиллар бугун ҳатто одатдаги автомобиллардан қолишмайдиган тезликларда мамлакат ва қитъалар узра ҳаракатланмоқда. Штутгарт университетида (Германия) мотори 25 метрли қанот устида жойлаштирилган қуёш батареяларидан электр энергияси билан таъминланувчи самолёт яратилди. У 90 кг. юк билан учиш майдончасидан кўтарилиб, 120 км/соатгача тезликда парвоз қилади. Бир неча йилдирки, Бовар ўрмонлари чеккасида жойлашган Франитцхютте аҳоли пункти умумий майдони 360 м^2 бўлган ва 840та 50 ватт қувватли ясси қуёш батареяларидан ташкил топган гелиоэнергетик қурилма орқали электр энергияси билан тўла таъминланмокда. Кечқурун ва булутли кунларда шаҳарча аҳолисига қуёш соатлари, қўрғошинли аккумуляторларда йиғилган энергия ҳисобидан қўшимча манба етказиб берилади.

Марказий Европадаги мафтункор мамлакат — Швейцарияда ҳам кейинги даврларда қуёш энергиясидан фойдаланишга жиддий эътибор берилмокда ва бу энергия турига келажак энергетикаси сифатида катта умид боғланмокда.

1974 йили Бернда қуёш энергияси бўйича Швейцария ассоциацияси ташкил этилди. Унга саноат ва илмий доира, шунингдек, хусусий секторнинг мингдан ортиқ вакиллари аъзо бўлиб кирдилар. Шу йили Рене Шенер, Брунто Шнейдер ва Ж.Винклер томонидан сув ва ҳаво иситгичлари яратилиб амалда қўлланила бошлади. 1975 йили ассоциация давлат ва маҳаллий бошқарув органларига нефтни тежаш бўйича миллий дастурни тақдим этди. Бу дастур мамлакатдаги барча уйларни киши бошига 1,2 м^2. ҳисобидан қуёш коллекторлари билан жиҳозланишини ва шу йўл билан йилига 1 млн. тонна нефтни тежашни кўзда тутарди. Архитектор Р. Сабади лойиҳаси асосида 1978 йилда қуёш энергияси билан иситиладиган биринчи энг йирик маъмурий бино ишга туширилди. Қўлланилган қуёш иссиқлик қурилмасининг нархи бино умумий нархининг атиги 1,5 фоизини ташкил этгани ҳолда бинонинг иссиқ сувга эҳтиёжини тўла ва иситиш тизими эҳтиёжининг катта қисмини таъминлаш имкони туғилиб, йилига 230 минг квт—соат энергияни тежашга эришилган. Шундан буён "қуёш уйлари"ни қуриш кенг миқёсда оммавий тус олди. Бу мамлакатда дунёдаги энг йирик гелиоэлектростанциялардан бири ишламокда. Ундаги қуёш батареяларининг сатҳи 4500 м^2. бўлиб, улар қуёш нурлари билан тўла ёритилганда 500 квт. атрофида электр қувватни ҳосил қилади. Бу 200та бир хонали уйдан иборат аҳоли пунктини электр энергияси билан тўла таъминлайди деганидир. Швейцариялик олимлар дераза ромларига қўйиладиган ойна ўрнига тиниқ қуёш батареяларини жойлаштиришни йўлга қўйди. Эндиликда бундай батареялар хоналарни ёритибгина қолмай, уларни электр энергияси билан ҳам таъминлаш учун хизмат қилади. Бундай батареяларнинг бир қатлами титан икки оксидининг жуда юпқа плёнкаси ва яна бири ёруғликка ўта сезгир худди шундай қалинликдаги пигмент билан қопланган, иккала қатлам орасига таркибида йод сақловчи электролит қатлами жойлаштирилган. Пигментга тушган ёруғлик ундан электронларни уриб чиқаради ва бу электронлар электролит орқали титан икки оксиди қатламига тушади. Натижада бир-бировидан ажратилган икки қатламда мусбат ва манфий зарядларнинг тўпланишига эришилади. Қуёш батареясидаги қатламлар шу қадар юпқаки, шишанинг тиниқлиги амалда камаймайди. Бундай шишалар кремнийли қуёш панелларига нисбатан анча арзонлиги билан аҳамиятлидир.



Швейцарияда гелиоэнергетиканинг тез суръатларда ривожланиши фотоэлектрик ўзгартгичларнинг таннархи динамикаси билан боғлиқ. Ҳар бир ватт қувват баҳоси 1970 йилларда 1000 долларга тенг бўлган бўлса, 1990 йилларга келиб 5—8 долларгача пасайгани ва фойдали иш коэффициентининг 20—30 фоизгача кўтарилгани муҳим тадрижий ҳодисадир. Яқин даврларда ҳар бир ваттнинг нархини 50 фоизгача туширишга умид боғланмокда, шунда гелиоқурилмалар энергиянинг бошқа автоном манбалари, масалан, дизел электростанциялари билан ҳам тўла рақобатга киришиши мумкин бўлади. Гелиоэнергетикадан фойдаланиш соҳасида дунёдаги етакчиларнинг бирига айланган бу мамлакатда қуввати 1 квт. дан 1 Мвт. гача бўлган 700дан ортиқ кремнийли фотоўзгартгич ва коллекторли қурилмалар қуёш энергиясидан унумли фойдаланишга имкон бермокда. Гелиоэнергетик дастур экологик муаммоларни ҳал этиш ва 80 фоиздан ортиқ энергияни хориждан импорт қилувчи бу мамлакатда энергетик мустақилликка эришиш учун салмоқли ҳисса қўшмоқда. 2-3 квт. қувватли кремнийли фотоўзгартгич гелиоқурилмалари асосан биноларнинг томлари ва деворларига ўрнатилади (20—30 м^2.). Бундай қурилма йил давомида ўртача 3000 квт. соат электр энергияси ҳосил қилади, бу эса хонадондаги маиший эҳтиёжларни қондириш ва баъзида электромобилларнинг борт аккумуляторларини зарядлаб туришга етарли бўлади. Ёз пайтларида ортиқча энергия умумий фойдаланиш электр тармоғига йўналтирилади. Қишда эса шунча энергия унинг эгасига бепул қайтарилади. Йирик фирмалар ишлаб чиқариш биноларининг томларида 300 квт. гача қувватли гелиостанцияларни ўрнатмоқдалар. Бундай станциялар корхонанинг электр энергиясига эҳтиёжини 55—70 фоизгача таъминлаши мумкин. Электр узатиш линияларини ўтказиш норентабел бўлган баланд Альп тоғлари ҳудудларида эса энергияни аккумулятор-тўплагичли автоном гелиоқурилмалари барпо этилмокда.

Олимлар гелиоқурилмаларни ишлатиш тажрибаси ва назарий ҳисоблашларга таянган ҳолда мамлакатдаги барча уй-жой биноларини қуёш ёрдамида энергия билан таъминлаш мумкин, деган хулосага келмокдалар. Гелиоқурилмалар биноларнинг том ва деворларида, автомобиль йўлларининг шовқиндан ҳимояловчи тўсиқларида, транспорт ва саноат қурилмаларида жойлаштирилиши сабабли ҳам уларни ўрнатиш учун шундоқ ҳам қиммат турувчи қишлоқ хўжалиги ва шаҳар ҳудудларидан жой ажратилишига эҳтиёж бўлмайди. Гримзель посёлкасидаги автоном қуёш қурилмаси ҳосил қиладиган электр энергияси автомобиль йўлидаги тоннелни кечаю кундуз ёритиб туради. Шур посёлкаси яқинида автомобиль йўлининг 700 метрли шовқиндан ҳимоя тўсиғида ўрнатилган қуёш панеллари 100 квт. қувват билан электроэнергия ҳосил қилиб бермокда. Корхоналар биноси томига ўрнатилган 320 квт. қувватли қуёш панели корхонанинг иссиқлик ва электроэнергияга бўлган технологик эҳтиёжини деярли тўла қопламокда. Кремнийли фотоўзгартгичларнинг фойдаланиш коэффициенти улар кучли қизиганда сезиларли даражада пасаяди, шу боис қуёш панелларининг остида махсус қувурлар ўрнатилиб, улар орқали совитувчи ташқи ҳаво ҳайдалади. Қизиб чиққан ҳаводан иссиқлик ташувчи агент сифатида маълум мақсадларда фойдаланиш мумкин.

Швейцариянинг гелиоэнергетик дастуридаги йирик бўлимлардан бири — қуёш энергиясидан транспорт воситаларида унумли фойдаланишни йўлга қўйишга қаратилган. Зеро, автомобиллар мамлакат учун зарур энергетик ресурснинг чорак қисмини истеъмол қилади. Мамлакатда ҳар йили қуёшмобилларнинг халқаро пойгасини ўтказиш анъанага айланган.

Кейинги пайтларда жаҳонда қуёш энергиясидан фойдаланиш муаммосига қизиқиш кескин ортди. Таъкидлаш лозимки, Қуёшдан Ерга йўналган энергиянинг бор-йўғи 0,015 фоизи фойдаланилганида ҳам дунё миқёсида энергияга бўлган эҳтиёж тўла қондирилган бўлар эди. Афсуски, ҳозирча бундай катта миқёсдаги ишни амалга ошириш имкониятлари чеклангандир. Бундай ишни амалга оширишдаги биринчи тўсиқ — қуёш нурларининг ер сиртига сочилиб тушишидир. Шу сабабли ҳам (масалан, аҳолининг иссиқ сувга бўлган эҳтиёжини қисман бўлса-да, қондириш учун) қуёш нурланиши коллекторларини жуда катта майдонларда жойлаштиришга тўғри келади. Шу билан бирга катта ўлчамли коллекторлардан фойдаланиш зарурати ўз-ўзидан катта миқдордаги моддий харажатларни талаб этади. Қуёш сув иситгичлари одатда қорага бўялган металл (кўп ҳолларда алюмин) листлардан тайёрланиб, усти шиша билан қопланган қутида жойлаштирилган коллектордан иборат. Коллектор орқали оқиб ўтаётган сув унда ютилган қуёш нурлари энергияси ҳисобидан қизиб, бевосита истеъмолчи томон йўналади. Ўтказилган ҳисоблашлар қуёш нурланиши коллекторларини тайёрлаш учун анча кўп миқдорда металл талаб этилишини кўрсатади. Демак, қуёш энергетикаси энергия ишлаб чиқаришнинг анча металталаб турига киради. Ҳозирча қуёш нурлари энергиясидан ҳосил қилинаётган электр энергияси ҳам анъанавий тарзда ишлаб чиқарилаётган электр энергиясига нисбатан анча қимматга тушади. Шунга қарамай, олимлар ва мутахассислар томонидан кўплаб қурилма ва станцияларда ўтказилаёган тажрибалар гелиоэнергиядан кенг кўламда фойдаланиш инсоният олдида турган техникавий ва иқтисодий муаммоларнинг ҳал бўлишига кўмак бўлишига умид уйғотмокда...

Эркин ЖЎРАЕВ,
Тошкент давлат техника университети "Электроника ва автоматика" факультетининг 3-босқич талабаси

Bo'yi 180 santimetrdan yuqori erkaklar 170 santimetrdan past bo'yga ega kuchli jins vakillariga nisbatan yurak bilan bog'liq kasalliklardan kamroq aziyat chekishar ekan.

ДИНОЗАВРНИНГ ЭНГ ҚАДИМГИ МАКОНИ

Палеонтологлар ҳозиргача маълум динозавр маконларининг энг қадимгисини топишга муваффақ бўлишди. Олимларнинг мақоласи «Proceedings of the National Academy of Science» журналида чоп этилди.

Торонто (АҚШ) университети ходимлари иштирокидаги тадқиқот натижасида топилган динозавр макони тахминан 190 миллион йиллик тарихга эга. Олимларнинг сўзларига қараганда, топилма ЖАРда Лесото қироллигига чегарадош ҳудудда аниқланган. Мутахассисларнинг фикрича, у зауроподлар(4 оёқли динозаврлар синфи)нинг массоспондил (Massospondylus) тури вакиллари учун доимий турар жой вазифасини ўтаган.

Қизиғи, 1976 йили ҳам худди шу минтақада массоспондил тухумлари топилган эди. Ўтган йиллар мобайнида емирилиш жараёнлари янги ер қатламларининг очилишига сабаб бўлиб, узоқ муддатли қазиш ишлари натижасида баҳайбат жонзотларнинг янги турар жойларини аниқлаш имконияти туғилган.

Янги топилган 10та инда ўрта ҳисобда 34та тухум борлиги маълум бўлди. Олимларнинг айтишича, диаметри 6-7 сантиметрдан иборат «ноёб» тухумлар инларга жуда эҳтиёткорлик билан жойлаштирилган экан. Айрим тухумларнинг ичида 20 сантиметр узунликдаги эмбрионлар топилган (қиёслаш учун, катта массосподилнинг узунлиги 6 метр атрофида). Мутахассислар, шунингдек, ўша ҳудуднинг ўзида динозавр болаларининг изларини ҳам пайқаш мумкинлигини айтишди.

НОХУШ БАШОРАТ

Токио университети сейсмологлари яқин бир неча йил (эҳтимол 4 йил) ичида Токиода Рихтер шкаласи бўйича 7 баллни ташкил этувчи зилзила содир бўлишини 75 фоиз аниқлик билан башорат қилишмоқда. Мавзуга оид хабарни РИА Новости агентлиги тарқатди.

Пойтахт аҳолиси олимларнинг огоҳлантиришига жиддий ёндашди, негаки, ўтган йилнинг мартида содир бўлган 9 баллик зилзила ва унинг оқибатидаги цунами ҳанузгача одамларнинг ёдидан кўтарилгани йўқ, деб ёзади манба. Токиодаги сўнгги йирик силкиниш 1923 йилда содир бўлган ва унинг тебраниш кучи 7,9 баллни ташкил этган. Офат келтириб чиқарган катта талафотлар сабаб, 100 мингдан ортиқ киши ҳалок бўлган эди.

Олимларнинг хавотирли хулосага келиши 2011 йилдаги 11 март зилзиласидан сўнг Токио ҳудудидаги ер ости силкинишлари сони доимий кўрсаткичларга қараганда 5 мартага ошгани билан боғлиқ экан. Маълумотлар пойтахт ва унинг атрофида сейсмик фаоллик кескин равишда ортгани ва кучли зилзиланинг содир бўлиш эҳтимоли юқори эканлигини кўрсатмоқда.

Эслатиб ўтамиз, Япония Тинч океанининг оловли ҳалқаси — ер қобиғи плиталарининг туташган ерида жойлашган. Шу туфайли қунчиқар мамлакат сайёрамизнинг сейсмик жиҳатдан хавфли ҳудудлари рўйхатининг бошида туради.

БАЛАНД БЎЙЛИ ОДАМЛАРНИНГ АФЗАЛ ТОМОНИ

Бригэм аёллар шифохонаси ҳамда Гарвард тиббиёт мактаби мутахассислари (АҚШ) паст бўйлиларга нисбатан баланд бўйли эркакларда юрак етишмовчилигининг ривожланиш хавфи камроқ, деган хулосага келишди. Тадқиқот натижалари «American Journal of Cardiology» журналида чоп этилди.

Тажрибада ёши 50дан ошган 22 минг нафар эркак-шифокор иштирок этди. Кўнгиллилар бўйи, вазни ҳамда саломатлиги ҳолатига оид анкета саволларига жавоб бериб, ҳар йили янги тиббий ташхислар ҳақида мутахассисларни хабардор қилиб туришди.

22 йиллик кузатув натижасида иштирокчиларнинг 1 444 нафари (7 фоиз атрофида) юрак етишмовчилигидан азият чека бошлагани маълум бўлди. Шунингдек, тажриба қатнашчиларининг бўйи қанчалик узун бўлса, уларнинг юрак фаолияти ҳам шунчалик яхши эканлиги аниқланди. Бўйи 180 сантиметрдан юқори эркаклар 170 сантиметрдан паст бўйга эга кучли жинс вакилларига нисбатан юрак билан боғлиқ касалликлардан камроқ азият чекишар экан. Энг қизиғи, иштирокчиларнинг ёши, вазни, юқори қон босими ҳисобга олинганда ҳам, кўрсаткичлар ўзгармади.

Аммо бу баланд бўйли одамларнинг умумий саломатлиги ҳақида хулоса чиқариш учун сабаб бўла олмайди, деб ҳисоблашмоқда тадқиқотчилар. Эслатиб ўтамиз, баланд бўй томир тромбоэмболияси хавфининг омили саналади. Аёлларда эса ўртача бўйга қўшилган ҳар 10 сантиметр саратон ривожланиши хавфини 16 фоизга оширади.

УМРБОҚИЙЛИК САРИ ҚАДАМ ҚЎЙИЛДИ

Сибирлик олимлар Ёқутистондаги Мамонт тоғининг абадий музликларида ғайриоддий бактерияни топишди. «Умрбоқийлик бацилласи» дея ном берилган ушбу бактерия Цельсий бўйича +5 градусда фаоллашиш ва бўлиниш хусусиятига эга, деб ёзади Диверсант.ру.

Олимлар дастлабки тажрибаларни кемирувчиларда ўтказишди ва «умрбоқийлик бацилласи»ни қабул қилган сичқонлар назорат остидаги бошқа ҳайвонларга нисбатан ҳар томонлама фаол эканига ишонч ҳосил қилишди. Bacillius F инъекциялари қари ҳайвонлардаги ҳаёт учун зарур бўлган айрим хусусиятлар, жумладан, иммунитет ва унинг тезкор фаоллашувига ижобий таъсир кўрсатганини мутахассислар алоҳида таъкидлашди.

Шунингдек, магнит-резонанс томография ёрдамида «умрбоқийлик бацилласи» билан эмланган сичқонларда икки турдаги медиатор — глутамат ва таурин даражасининг ошиб кетгани кузатилди. Бу моддалар иммунитетни назорат қилиш хусусиятига эга бўлиб, ҳужайранинг узоқ яшашини таъминлайди.

Россия фанлар академиясига қарашли Кимёвий биология ва фундаментал тиббиёт институтининг катта илмий ходими Надежда Миронованинг тушунтиришича, "иммунлаштирилган жониворлар метаболизми тезлашган ва сичқонларга бактерия юборилгач, уларнинг ҳолати ёшига нисбатан 20—30 фоизга яхшиланган. Айни пайтда олимлар бу борадаги изланишларини давом эттиришмоқда.

В.ҚАРШИБОЕВА тайёрлади.

JUMLADA JAHON
yangiliklar ✪ xabarlar

Австралия шимоли-ғарбида ёққан кучли ёмғир Брисбен шаҳри (Квинсленд штати) ва унинг атрофидаги ҳудудларда сув тошқинини юзага келтирди.

Дрезден техника университети (Германия) лабораториясида ўтказилган муваффақиятсиз кимёвий тажриба оқибатида 100 киши жароҳатланган ва шифохонага жойлаштирилган.

Швейцарияда Альцгеймер хасталигига чалинган кекса беморлар учун уларнинг ёшлик пайтлари муҳитини ёдга солиб турувчи янги қишлоқ қурилиши режалаштирилди.

Япония Марказий банкининг берган хабарига кўра, мамлакатдаги ялпи ички маҳсулот қиймати 2012 йилнинг мартига қадар 0,4 фоизга пасайиши мумкин.

АҚШ денгиз пиёдаси сержант Фрэнк Вутерич Ироқнинг Ал-Ҳадит шаҳрида 24 нафар қуролсиз фуқарони отишга ҳукм қилгани ҳақидаги жиноятини тан олгани муносабати билан унинг ишига оид фавқулодда суд ўз ниҳоясига етди.

РИОЯ ҚИЛСАК, ХОТИРЖАМ БЎЛАМИЗ

Тинч ҳаётимизга таҳдид солувчи хавфлардан бири ёнғин офати бўлиб, у қай тарзда юзага келган бўлишига қарамай, ўзидан мудҳиш излар қолдириши, табиий. Айнан шу «тилсиз ёв» сабабли йилига қанчадан-қанча кишилар бошпанасиз қолишади, кўпчилик саломатлигидан айрилади, баъзилар эса яқин кишиларини йўқотади.

Аҳоли турар жойларидан ташқари, ишлаб чиқариш корхоналари ва турли ташкилотлар биноларида содир бўлган ёнғинлар кишиларнинг самарали меҳнат фаолиятига зарар, иқтисодиётга ҳам жиддий путур етказади. Масалан, Юнусобод тумани, 13-мавзеси, 16-уй олдидаги гаражда 2 м² тахта ёнган. Яхшиямки, ёнғин ўз вақтида ўчирилган, акс ҳолда у бошқа томонларга ҳам ўтиб кетиши мумкин эди. Олмазор тумани, Сағбон кўчаси, 15-берк кўча, 7-хонадонда рўй берган ёнғин оқибатида 20 м²лик ошхонанинг том қисми ёнган.

«01» ogohlantiradi

Учтепа тумани, 22-мавзе, 51-уй олдида «ВАЗ-21011» автомашинасининг мотор қисми ва салони ёнган. Бу кўнгилсиз ҳодисалардан одамларга шикаст етмаган, аммо моддий зарар келмаган, деб айтиш қийин.

Аслини олганда, ёнғинга қарши кураш олиб бориш нафақат соҳа ходимларининг, балки шу юртнинг барча фуқаролари зиммасидаги бурч ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда ҳудудимиздаги барча ташкилот, корхона, муассаса раҳбарлари билан ҳамкорликда иш олиб бораяпмиз. Аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик, газ ва электр тармоқларини ўзбошимчалик билан улаб олиш, носоз иситиш ускуналаридан фойдаланиш каби ҳолатларни аниқлаш учун маҳалла фаоллари ёрдамида текширувлар ўтказиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш орқали кўнгилсизликларнинг олди олинмоқда.

Малик ТУРСУНОВ,
Тошкент шаҳар 12-ХЁХО кичик инспектори

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси геология факультети «Геокимё, минералогия ва петрография» кафедраси профессори Очил Қўшмуродовга турмуш ўртоғи **Васила ЗИЁВУТДИНОВА**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси кимё факультети «Физикавий ва коллоид кимё» кафедраси профессори **Раҳим ТИЛЛАЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Mutaxassislarning fikricha, o'rta yoshli kishi bir kunda 5-6 soat uxlashi kifoya ekan. Demak, kech soat 24:00da uxlagan odam ertalab 5:00da uyg'onsa, kam uxlaganidan nolimasa ham bo'ladi.

Salomatlik saboqlari

ҲАЁТСЕВАРЛИК МАШҚИ

Киши уйқудан қанчалик эрта уйғонса, ишида унум ва барака бўлади. Баъзилар айнан кўп ухлаш сабабли ишга, ўқишга ўз вақтида бора олмай, доимо дакки эшитиб юради. Бундай одамлар атрофдагилар наздида масъулиятсиз бўлиб кўринади.

Уйқудан барвақт уйғонишнинг фойдали жиҳатлари кўп. Мисол учун, сиз, кўпинча соат 7:00 да уйқудан турасиз. Бу одатни бир соат олдинга сурсангиз, умрингизнинг бир соати айрим юмушларни эртароқ бажаришга сарфланади. Масалан, 60 дақиқада 100 саҳифагача китоб ўқиш мумкин. Барвақт туриш ҳисобига қўлга киритилган вақт ҳисоб-китоб қилинса, 1 ойда ўттиз соат, бир йилда 360 соат вақт фойдали иш учун тежалар экан.

Психологлар инсонларнинг биоритмларига кўра шартли равишда уларни «тўрғай» (эрталаб бемалол вақтли уйғониб, ишга киришиб кета оладиган, лекин фаоллиги тушгача давом этиб, кейин аста-секин сўниб борадиган ва «бойқуш» (эрталаб уйғона олмайдиган, тушгача ишга кириша олмай, фақат куннинг иккинчи ярмидагина иш бошлаб, то кейинги куннинг саҳаригача фаол ҳаракатда бўладиган) тоифага ажратишади.

Хўш, «бойқуш»ни «тўрғай»га айлантириш имкони борми, деган савол кўпчиликни ўйлантиради.

Шахсан ўзим жуда кеч ётиб, эрталаб барвақт туришга қийналар эдим. Шу сабабли эрта туришга одатланиш учун соат қўнғироғини тонгги 5.00да чалинишини белгиладим. Эрталаб қўнғироқ бўлиши билан миямда бонг ўчса-ю, яна бироз ухлаб олсам, деган ўй айланарди. Ва англаб-англамай уни ўчириб, яна "ширин" уйқуга кетардим. Шундай кунларнинг бирида Стив Павлинанинг «Қандай эрта туриш мумкин?» деган мақоласини ўқиб қолдим. Унда шундай дейилганди: «Уйқунгиз келса, дарҳол ухланг, лекин ҳар куни эрталаб аниқ бир вақтда туринг. Кечаси кеч уйқуга ётган бўлишингизга қарамай, эрталаб белгилаган вақтда туришга ҳаракат қилинг. Айтайлик, тунги ўн икки-бирларгача ухлай олмадингиз. Қўнғироқни эса тонгги соат бешга қўйгансиз. Нима қилиб бўлса-да, ўша белгиланган вақтда туринг. Бир-икки кун шундай давом этса, қарабсизки, организм бундан буён кечки соат 21.00-22.00ларда ўз-ўзидан уйқуга кетади. Сабаби, вужудингиз унга қанча уйқу кераклигини билади ва сизни вақт бўлганда «ўчириб қўяди».

Киши барвақт уйғониши учун баъзи ҳолатларга эътибор қаратиши лозим. Агар уйқу дорига одатланган бўлсангиз, аввало, ундан воз кечиш керак. Чунки у инсоннинг табиий ва меъёрий уйқусига салбий таъсир кўрсатади. Кечқурун қаҳва ичишга ўрганмаган маъқул. Иложи борича соат кечки еттидан сўнг тўйиб овқатланманг. Акс ҳолда еганингиз ҳазм бўлмай, ошқозонни қийнаб қўясиз.

Агар соат қўнғироғи бонг уриши билан ўрнингиздан тура олмасангиз, бу қатъиятнинг сустлигидан далолат беради. Ирода мушакларга ўхшайди. Мушакларни қанчалик кўп ишлатсангиз, у шунчалик бақувват бўлгани каби киши иродаси ҳам машаққатларда тобланади.

Айниқса, олий ўқув юртига киришга тайёрланаётган абитуриентлар учун эрта уйғониш жуда муҳимдир. Кайфият кўтаринки, руҳан тетик бўлишнинг сири ҳам айнан барвақт туришда. Ҳар куни тонгда 30 дақиқа бадантарбия билан шуғулланишингиз саломатлигингизга сезиларли таъсир кўрсатади.

Эрта туришнинг нафақат жисмоний, балки руҳий фойдаси ҳам бор. Саҳар турган кишида ҳаётга муҳаббат, ўзига ишонч каби туйғулар кучли бўлади. Қолаверса, социологик тадқиқотлар ҳам узоқ умр кўрувчиларнинг аксарияти эрта туришга одатланган кишилар эканлигини тасдиқлайди.

Баъзиларда эрта турган кишида уйқу меъёри бузилади, деган хавотир бор. Мутахассисларнинг фикрича, ўрта ёшли киши бир кунда 5-6 соат ухлаши кифоя экан. Демак, кеч соат 24:00да ухлаган одам эрталаб 5:00да уйғонса, кам ухлаганидан нолимаса ҳам бўлади. Албатта, уйқуни 6-7 соатга узайтирган айни муддао. Аммо меъёридан ортиқ ухлаш ва кун чиққунча ётоқда ётиш айрим хасталикларни келтириб чиқаради. Шундай экан, сиз ҳам барвақт туришга одатланиб, кунингизнинг унумли ўтишига замин яратинг!

Қамара ЁРҚИН қизи

"УШОТ"МИ, "УШШОҚ"?

Moziydan sado

Бухоро вилояти Жондор туманида "Ушот" қишлоғи бор. Қишлоқ номи қандай маънони англатиши ҳақида турли ривоятлар юради. Қишлоқ кексаларининг айтишича, бу ҳудудга бир пайтлар отлиқ уч суворий келган экан. Ўша кишилар шу ерни макон айлаб, ерларини обод этган эмиш. Бора-бора бу заминга одамлар кўчиб келаверибди. Улар ўзларига уйлар қуриб, ерларни ўзлаштирибди.

Халқ фаровон ҳаёт кечираётган бир пайтда, уч отлиқ бу ердан кўчиб кетишини халққа маълум қилибди. Халқ бу гапларни эшитгач, қиляпсизлар, бирор бир хатокечиринг" дебди. Шунда улар, «Бизнинг мақсадимиз инсонларга ёрдам бериш, уларнинг мушкулини осон қилиш эди. Мақсадимизга эришдик. Қиладиган ишларимиз кўп, бориб бошқа муҳтож кишиларга ҳам ёрдам беришимиз керак. Фақат сизлардан бир ўтинчимиз — ушбу заминнинг гуллаб-яшнаши учун ҳар бирингиз ўз меҳнатингизни аяманг", дея жўнаб кетишибди. Қишлоқ аҳли улар ҳақига дуо қилибди. Шундан кейин бу маконга "Уч от" дея ном беришибди. Йиллар ўтгач, бу ном "Ушот"га айланиб кетибди.

Бу — бир ривоят. Аммо унинг замирида тарихий ҳақиқат ҳам бўлиши мумкин. Чунки бу ернинг тупроғи унумдорлиги билан ажралиб туради. Баъзилар қишлоғимиз "Кўлиён" деб аталиши керак. Боиси, бу ерда катта кўл бўлган, бора-бора кўл кичиклашиб йўқолиб кетган, дейди. Ҳозиргача кўлнинг ўрни бор.

Бир отахоннинг айтишича, "Уч отлиқ" киши айнан бизнинг қишлоқда қўним топмаган аммо шу ерлардан ўтган бўлиши мумкин. "Ушот" қишлоғига қўшни бўлган ҳудуд "Кўлиён" деб номланади. Бу «кўл» икки маҳаллани боғлаб тургани учун ҳам шундай номланар?

80 ёшни қаршилаётган ўша отахон "Бобом ёшлигимда бир ривоятни айтиб берувди. Бу ростми ёки у кишининг ўзи тўқиган эртакларидан бирими, билмадим, дея яна бир ривоятни сўзлаб бердилар. Унга кўра, қадимда қишлоқда бир саньаткор яшаган экан. Кишилар ҳам унинг саньатини қадрлаб, уни "Ушоқчи" деб атаркан. Бошқа қишлоқдагилар бу ерга "Ушшоқчи"нинг маҳалласи деб ном беришган экан. Бу ном аста-секин "Ушоқчи", "Ушшоқ" бора-бора "Ушот"га айланиб кетган экан».

Ушбу икки ривоятнинг қайси бири ҳақиқатга яқин билмадим-у аммо улардан кишиларга яхшилик қилиш, меҳнатсеварлик, эзгулик доимо элда қадрланишига амин бўлдим.

Шаҳрибону ИМОМОВА,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси

Bilasizmi?

ЧАПАҚАЙЛИК СИРИ НИМАДА?

Ҳар йили 13 августда халқаро чапақайлар куни нишонланади. Айрим мамлакатларда бу кун оила даврасида ҳам байрам қилинади. Сўнгги статистик маълумотлар чапақайлар ҳамда амбидекстрлар, (яъни икки қўли билан бемалол ҳаракат қилувчилар) сони ўсиб бораётганини кўрсатмоқда.

Инглиз олимлари 2010 йилда 115 нафар чапақай боланинг марказий нерв системасини чуқур текширишдан ўтказишганида маълум бўлдики, уларнинг чап қўлида ёзиш билан бирга юриш-туриши, гап-сўзлари ҳам ўнақайлардан фарқ қилар экан. Невропатолог олимлар, уларнинг фикрлаш қобилияти бош миянинг бошқа бўлаги билан бошқарилишини таъкидлайдилар. 2010-2011 йилда кенг миқёсда 559 нафар чапақай бола билан ўтказилган илмий текширувлар натижасида ҳам бу ҳолат тасдиқланган. Қизиқарлиси, машҳур инсонларнинг кўпчилиги чапақайлар экан. Жумладан, машҳур саркарда Александр Македонский, халқ қаҳрамони Жанна Д Арк, машҳур итальян рассоми Леонардо да Винчи, ҳайкалтарош Микеланжело чапақай бўлган. Дунёнинг энг кучли олимларидан бири, математик, файласуф Эйнштейн ўзининг машҳур теоремалари, илмий жумбоқлари, қўлланмаларини чап қўлда ёзган бўлса, XIX асрнинг машҳур киноактёри Чарли Чаплин ҳам турли хил трюк, пантомима, кулгули ҳаракатларни асосан чап қўлда бажарган.

Бу рўйхатни узоқ давом эттириб, Александр Пушкин, Билл Гейтс, қиролича Виктория, Лев Толстой каби таниқли инсонларни келтириб ўтиш мумкин. Савол туғилади, хўш, чапақайлар қаерда кўпроқ учрайди?

Шимолий ярим шарда жойлашган мамлакатларда улар 3 фоиздан 15 фоизгача, Австралия ва Жанубий Америкада яшовчи туб аҳолининг тўртдан бирини ташкил қилади. Киши ўнг ёки чап қўлда ҳаракат қилишининг сабаблари ҳалигача маълум эмас.

Зоолог олимлар изланишлари натижасида бундай ҳолат ҳайвон ва қуш турларида ҳам фарқланиши аниқланган. Арслон, йўлбарс, гепард, леопард каби йиртқич ҳайвонлар орасидаги "чапақай"ларнинг ов қилиш тарзи ҳам ўзига хос ҳолатда кечади. Улар кўпинча биринчи зарбани чап панжалари билан беришади. Аниқланишича, Антарктидадаги оқ айиқларнинг ҳаммаси чапақай бўлиб чиқди. АҚШда 2005–2011 йилларда ўтказилган кузатувларда оқ айиқ нерпа, морж, тюленни ов қилганда кучли, қаттиқ зарбани чап панжаси ёрдамида бериши аниқланди.

Бундан 30–40 йил аввал кўпгина мамлакатларда чапақай болаларни ўнг қўлда ҳаракатланишга мажбуран ўргатишарди. Бу каби нотабиий босим натижасида бола кучли депрессия ҳолатига тушиб, иккала қўлида ҳам ёза олмасдан аросатда қолиш ҳоллари кузатилган.

Юқорида таъкидланганидек, чапақайликнинг гени ҳали топилмаган. Шу боис чапақайларнинг олдига ҳеч қандай тақиқ ва шарт қўймаслик керак. Бу унинг характерига салбий таъсир кўрсатиб, ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин.

Тоҳир ИБРОҲИМОВ,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

АСОСИЙ МУСОБАҚАЛАР ОЛДИНДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

5—7-синф ўқувчилари футбол, баскетбол, волейбол, қўл тўпи ва стол тенниси бўйича баҳслашди. Унда муросасиз беллашувлар биринчи ҳудуд: Қонликўл туманида (Шуманай, Мўйнок, Кўнғирот туманлари), иккинчи ҳудуд: Нукус шаҳрида (Тахиатош шаҳри, Хўжайли, Нукус туманлари), учинчи ҳудуд: Беруний туманида (Амударё, Тўрткўл, Элликқалъа туманлари), тўртинчи ҳудуд: Чимбой туманида (Тахтакўпир, Қораўзак, Кегейли туманларида) бўлиб ўтди.

— "Умид ниҳолларида-2012" спорт мусобақаларининг 5—7-синфлар ўртасидаги кимўзаримда жами 284 нафар ўқувчи қатнашган бўлса, уларнинг 112 нафарини қиз болалар ташкил этди, — деди "Ёшлик" ЖТСЖ мутахассиси Ботир Эшонов. — Ўқувчилар мазкур мусобақага устозлари ёрдамида жиддий тадорик кўришгани ҳал қилувчи баҳсларда намоён бўлди. Айниқса, Кўнғирот, Тўрткўл туманлари ва Нукус шаҳар жамоалари барча спорт турлари бўйича кечган баҳсларда ўзларини кўрсатишди.

Спортнинг қолган турлари: енгил атлетика, сузиш, миллий кураш, белбоғли кураш, шахмат, бадиий ва спорт гимнастикаси буйича муросасиз мусобақалар Нукус шаҳрининг бир қатор ихтисослаштирилган спорт мактаблари базасида ўтказилди. Уларда жами 1173 нафардан ортиқ (шундан 445 нафари қиз) ўқувчи-ёшлар қатнашди.

Мусобақа ғолиб ва совриндорларига Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, "Ёшлик" ЖТСЖ томонидан 1, 2, 3-даражали диплом ва эсдалик совғалари улашилди.

Азамат ПИРНИЯЗОВ

ЧЕМПИОН МАКТАБИ 1 ЁШДА

Олтмиш тўртта катак, уларнинг ўттиз иккитасини оқ ва қора рангли қўшин тенг иккига бўлган. Қўшиннинг имкониятлари, сони ва қудрати тенг. Буни адолат майдони, деб ҳам таърифлашади. Ўртада яна шунча катак бўш... ва қоронғу. У ерга биринчи бўлиб оқлар қадам ташлайди, бироқ бу ғалаба дегани эмас. Муваффақият то жанг сўнигигача ақл чироғини ўчирмаган лашкарга насиб қилади. Бу "жанг" бир сўз билан шахмат дейилади.

Юртимизда навқирон авлод вакилларини саломатлик ва дуркунлик ҳимоячиси — спортга қизиқтириш, жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланиб, руҳан ва маънан чиниқиб боришлари учун етарли шароит яратишга юксак эътибор берилаётгани барчамизга аён, албатта. Кўплаб оммавий спорт турлари қатори шахматни ҳам ҳамюртларимиз азал-азалдан севиб ўйнайди. Зеро, мураккаб вазиятларда узоқни кўзлаб, чуқур таҳлил ва мушоҳадага таяниб, вазиятни ўз фойдасига ҳал қилиш мезонига таянган ушбу ўйинга нисбатан иштиёқимизнинг юқори бўлиши бежиз эмас. Боиси, бугунги авлод томирларида етти иқлим маърифату маънавият бешигини тебратган аллома аждодларимизнинг қони оқмоқда.

Газетамизнинг ўтган сонларидан бирида шахмат бўйича пойтахтимизда ўтказилган "Янги йил" республика болалар шахмат турнири якунлари ва ғолиблари тўғрисида маълумот бергандик. Унда зафар қучган 10 ёшли Асадбек Эгамбердиев эътиборимизни тортди. У шахмат сирларини Сергели туманидаги "Sport-friendship-victory" (Спорт-дўстлик-ғалаба) номли шахмат мактабида пухта ўзлаштираётганидан хабар топгач, у ерга йўл олдик.

Баландқават турар жойнинг биринчи қаватида очилган ушбу мактабда Асадбек сингари ақл чархи асрорини ўзлаштираётган иқтидорли ўғил-қизлар кўп экан. Уларга икки карра жаҳон чемпиони, таниқли гроссмейстер Сирожиддин Зайниддинов ҳамда унинг синглиси Сабоҳат Зайниддинова сабоқ бермоқда.

— Якшанба кунлари мактаб ўқувчилари ўртасида мусобақа ўтказишни анъанага айлантирганмиз, — деди болаларнинг ўйинларини кузатиб бораётган Сирожиддин Зайниддинов. — Шу тариқа шогирдларимизнинг ҳафта мобайнида эгаллаган билимларини текширамиз. Дарслар душанбадан шанба кунигача, тушликкача ва тушдан кейинги вақтларда ташкиллаштирилади.



Дарвоқе, Сирожиддин Зайниддинов 2004 йили Германияда ҳамда 2008 йили Швейцарияда кечган ногиронлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида ғолиб бўлган. Унинг спортда эришган ютуқлари ва ўзбек шахматини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси ҳукуматимиз томонидан муносиб баҳоланган — Сирожиддин "Шуҳрат" медали соҳибидир.

С.Зайниддинов раҳбарлик қилаётган "Спорт-дўстлик-ғалаба" шахмат мактаби ташкил этилганига яқинда бир йил бўлди. У ерда ҳозир 4 ёшдан 16 ёшгача бўлган 25 нафар ўғил-қиз сабоқ оляпти. "Асакабанк"дан олинган кредит эвазига мактабда болаларнинг шахмат сирларини ўрганиши учун барча шароит муҳайё қилинган...

Эътиборли жиҳати шундаки, Сирожиддин очган шахмат мактаби бугун ўз мевасини бермоқда. Хусусан, шахмат турнирларида фаол иштирок этиб, ўз тенгдошлари ўртасида ғолиб ва совриндорлар сафидан жой ола бошлаган Асадбек Эгамбердиев, Миржалол Мирсамадов, Муҳаммадбобур Маҳмарайимов, Жавоҳир Синдаров, Дониёр Сафаров, Сардор Мамаражабов, Улуғбек Абдуқаюмов каби ёш иқтидор соҳиблари Сирожиддин ҳамда Сабоҳатнинг шогирдларидир.

— Уч нафар фарзандимнинг кенжаси — Асадбекка дастлаб шахматдан ўзим сабоқ берганман, — деди Асадбек Эгамбердиевнинг отаси Абдужалил Тўраев. — Бироқ унинг профессионал шахматчи бўлиб етишиши учун мендаги билимлар етарли эмас эди. Ўғлим келажакда мамлакатимизнинг машҳур гроссмейстери бўлади, деган ниятда, Сирожиддиннинг мактабига олиб келдим. Натижа кутганимдан ҳам аъло. Баъзан ўзим ҳам вақт ажратиб, мактабга келиб тураман, Сирожиддин ҳамда Сабоҳатнинг болаларга меҳр ва завқ билан дарс ўтишини кўриб, хотиржам бўламан, ҳавас қиламан.

...Спорт жадаллик билан ривожланаётган диёримизда шахмат мактаблари қанча кўпайса, болаларимизнинг интеллектуал "жанг" салоҳияти шунчалик шаклланиб боради. Сирожиддин Зайниддинов очган мактабнинг йўли узоқ, манзили равшан. Унинг мақсадлари, орзулари шу мактабни оммалаштириб, унинг қамровини кенгайтириш ҳамда юртимиз шаънини халқаро майдонларда муносиб ҳимоя қилувчи шахматчиларни тарбиялашга қаратилган, десак муболаға бўлмайди. Ана шундай масъулиятли ва шарафли ишда "Спорт-дўстлик-ғалаба" шахмат мактаби устозлари ва ўқувчиларига омад тилаймиз.

Зоҳиджон ХОЛОВ,
"Ma'rifat" мухбири

Суратларда: машғулот жараёнидан лавҳалар ҳамда "Янги йил" турнири ғолиби Асадбек Эгамбердиев.

Суратларни Назира БОЙМУРОДОВА олган.

ФЕДЕРЕР — ЯРИМ ФИНАЛДА

Швейцариялик машҳур теннисчи Рожер Федерер жорий мавсумнинг «Катта дубулға» таснифига кирувчи илк турнири — «Australian Open»да ярим финал йўлланмасини қўлга киритди. Чорак финал баҳсида Федерер аргентиналик Хуан Мартин дель Потрони 6:4, 6:3, 6:2 ҳисобида енгди.

Профессионал теннисчилар ассоциацияси рейтингини бошқариб турган сербиялик Новак Жокович эса мазкур турнир чорак финали сўнгги матчи қатнашчиси бўлди. У нимчорак финалда австралиялик Ллейтон Хьюитт устидан 6:1, 6:3, 4:6, 6:3 ҳисобида зафар қучганди.

Мусобақанинг аёллар ўртасидаги баҳсларида ҳам чорак финал учрашувлари иштирокчилари номи маълум бўлди. Унга кўра, чехиялик Петра Квитова италиялик Сара Эрранига, даниялик Каролин Возняцки белгиялик теннисчи Ким Клейстерсга, белоруслик Виктория Азаренко польшалик Агнешка Радванскага, россиялик Мария Шарапова эса ҳамюрти Екатерина Макаровага қарши кортга тушади.

ИТАЛИЯ "ЭНГ ЯХШИ"ЛАРИ

«Милан» футбол клуби ҳужумчиси Златан Иброҳимович 2011 йилги Италия чемпионатининг "Энг яхши футболчиси" деган номга сазовор бўлди. Шунингдек, у ўтган мавсумда «А» серия баҳсларида тўп сурган "Энг яхши хорижлик футболчи" деган шарафга ҳам лойиқ кўрилди.

ФИФА расмий сайтида ёзилишича, 30 ёшли швед футболчиси Златан тўп сураётган «Милан» клуби бош мураббийи Массимилиано Аллегри ортда қолган 2011 йилнинг "Энг яхши мураббий"и номинациясида тенгсиз деб топилди.

Стефан Ал Шаарави эса «В» сериясининг энг яхши футболчиси бўлди. Маълумот ўрнида шуни айтиш мумкинки, Стефан ҳам эндиликда «Милан» жамоаси аъзосидир.

Италия чемпионатининг "Энг яхши жамоаси" номинацияси учун аталган соврин «Удинезе»га топширилди.

БОКС ОЛАМИ "ҚИРОЛ"ЛАРИ

Дунё боксчилари кенгаши ўтган йилнинг энг яхши спортчилари номи ҳамда аҳамиятга молик воқеликларни маълум қилди. Унга кўра, 2011 йили суперофғир вазн тоифасида WBC таснифидаги жаҳон чемпионлиги камарини икки марта муваффақиятли ҳимоя қилган украиналик Виталий Кличко тенгсиз деб топилди.

"Йил чемпиони" номинацияси эса месикалик боксчи Сауль Алвареса топширилди. Сауль ўтган йили ўрта оғир вазн тоифасидаги тўртта мусобақада қатнашиб, уларнинг барчасида ғалаба қозонганди.

"Сўнгги ўн йилликнинг энг яхши боксчиси" сифатида таиландлик Понгсаклек Вонджонгкам тан олинди. Андре Берто ҳамда Виктор Ортис иштирокидаги қарама-қаршилик ўтган йилнинг "Энг яхши жанги" деб белгиланди. Унда Берто фаолиятидаги илк мағлубиятга учраганди.

ЯХШИ ОТ КЕЙИН ЧОПАДИ

Ралли бўйича саккиз карра жаҳон чемпиони Себастьен Леб Citroen Total жамоаси сафидаги илк мусобақасини муваффақиятли бошлади. У Монте-Карло шаҳрида ўтган World Rally Championshipнинг биринчи босқичида зафар қучди.

Леб белгиланган масофаларни ўз ичига олган 18та махсус пойга ҳудудини 4 соату 32 дақиқаю 40 сонияда ортда қолдирди. Бу кўрсаткич унга биринчи ўринни ҳадя этди. Ундан роппа-роса 2 дақиқаю 46 сония кечикиб марра чизигини кесиб ўтган Дани Сордо (Mini) иккинчи, Петтер Сольберг (Ford) эса 3-ўринни эгаллади.

Ажабланарлиси шундаки, кимўзар аввалида биринчи ўринда бораётган финляндиялик пойгачи Яри-Матти Латвала (Ford) 4-махсус ҳудудга келганда оралиқ масофани бой берди ва етакчиликни йўқотди. Шунингдек, франциялик Себастьен Ожьеда ҳам шундай хатолик қузатилди. Бу уларнинг якуний натижаларига таъсир ўтказмай қолмади, албатта.

Ш.НАРЗУЛЛАЕВА тайёрлади.

Ҳурматли ва қадрли Мунира ХАЛИКОВА!

Сизни муборак 50 ёшингиз билан самимий муборакбод этамиз.

Чорак аср умрингизни Оқолтин туманидаги 17-мактабда рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси сифатида ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясига бағишлаб келмоқдасиз. Баркамол авлодни тарбиялашдаги шарафли ва масъулиятли меҳнатингизда куч-қувват, ғайрат ва шижоат, узоқ умр ва мустаҳкам соғлик тилаймиз. Фарзандларингиз ва шогирдларингиз камолини кўриб юриш сизга кўп йиллар давомида насиб этсин.

Ҳурмат билан шогирдларингиз ва фарзандларингиз.

СОПОЛ ИДИШЛАР ХОСИЯТИ

В.ГРАНКИН ва М.ҚОДИРОВ (ЎзА)олган суратлар.

СОМОН МЎЪЖИЗАСИ

Ma'rifat

TA'SIS ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim, fan va madaniyat xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir: Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Madamin ARIPJANOV, Jumanazar BEKNAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Bahodir JOVLIYEV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari, "Учитель Узбекистана"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416

INDEKS: 149, 150. G-118.
Tiraji 55361.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda erkin narxda

Dizaynerlar: Malohat TOSHOVA, Liliya BINASHEVA.

Navbatchi muharrir: Hulkar TO'YMANOVA.
Navbatchi: Sherali NAMOZOV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi.

Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy

ЎзА якуни — 21.00
Topshirildi — 21.45